

ЯНГИ ИЙЛИНГИЗ МУБОРАК!

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСЕТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 30 декабрь, пайшанба • 53 (3581)-сон

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ички ишлар идораларининг барча ходимларини, Ички ва Қоровул қўшинларининг ҳарбий хизматчиларини, таълим муассасаларининг ўқитувчи, профессор, тингловчи ва курсантларини, фахрийларимизни, шунингдек, хизмат вазифасини ўташ чоғида эл-юрт тинчлигини ҳимоя этиб ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини кириб келаётган Янги — 2005 йил билан самимий муборакбод этаман.

Президентимиз томонидан “Сихат-саломатлик йили” деб эълон қилинган янги йил она юртимизнинг янада равақ топишида, халқимиз, шу жумладан ходимларимизнинг жисмонан соғлом ва маъ-

навий жиҳатдан етук бўлишларида омадли йил бўлсин.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жинойатчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ва қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек масъулиятли ва шарафли хизматларингизда улкан зафарлар тилайман.

Янги йил сизларга сихат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга файзу баракка олиб келсин!

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
генерал-полковник.



УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА



3

МУЪЖИЗА



4



ХУРШИДНИНГ
ИЛК
ЮТУҚЛАРИ

12




СИЗГА ҲАМ
УЗОҚ УМР
ТИЛАЙМАН!


16

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Агар бугун икки яхши бир ёмонга
яхшилик қилса, эртага яхшилар
сони учта бўлиши мумкин.



«Ushinchi Olam» gazetasi ning ilovasi
Ushinchi Olam
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.



Ҳаётимизда кўп вақт ўзгаришлар олиб келган 2004 йил ҳам боёнига етмоқда. Ортга бир назар ташлаб, бажарган, бажаришга улгурмаган ишларимизни сарҳисоб қилиш фурсати келди. ИИВ Бирлашган тахририяти жамоаси ҳам йил давомида газетамиз мухлис-ларига баҳоли қудрат хизмат қилиб, республикамизда, хусусан, ички ишлар идораларида амалга оширилган ислохотлар, сиёсий-ижтимоий воқеалар, осойишта турмушимизга раҳна солмоқни устакан кимсаларнинг аянчли қисмати, турмуш сўқмоқларида ўз йўлини топган ёки адашган кишиларнинг тақдирини, элнинг фидойи инсонлари ҳаёти, меҳр-оқибатли юртдошларимизнинг саховатли ишлари, хуллас, юртимиз ҳаётига оид жуда кўп мақолаларни газетамиз саҳифаларида имкон даражасида ёритишга ҳаракат қилди.

ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

Газетамизни ушбу йилдан бошлаб 24 саҳифада чоп эта бошлаганимиз эса обуначиларимизга ўзига хос совға бўлди, десак тўғри бўлади. Чунки 2004 йилнинг иккинчи ярим йилида, саҳифалар кўпайган бўлса-да, обуна баҳоси оширилмади. 2005 йилнинг биринчи ярим йилида ҳам обуна миқдори ўзгаришсиз қолдирилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳатга диққатингизни қаратмоқчимиз. Маълумки, ҳафталик газеталар бир йилда 52 марта чиқади. 52-сон муштарийлар қўлига етиб боргач, тахририят келгуси йил обуначилари учун хизматини бошлайди. Аммо 2004 йилда бизнинг фаолиятимизда умуман юз бермаган воқеа содир бўлди. Яъни, биз обуначиларга газетамизнинг 52 та сонини ҳавола этгач, янги йилнинг 1-сонини тайёрлашга киришимиз керак эди. Лекин навбатдаги пайшанба кунини 2004 йил ҳисобига тўғри келди. Тахририятимиз жамоаси газетамизнинг режани ташқари 53-сонини Сиз муштарийларга тарих зарварақларига муҳрланиб бораётган Меҳр ва муруват йилидан туҳфа, қолаверса, Янги йил совғаси сифатида чоп этишга қарор қилдик.

Янги йил ҳаммамизга бахт келтирсин!

Тахририят.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Ўтган ҳафтанинг якшанба кунини дунё сиёсатдонларининг эътибори Ўзбекистонга қаратилди, десак асло муболаға бўлмайди. Бойси, барчага маълум, 26 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Мавжуд 120 та сайлов округларида 489 нафар депутатликка номзод учун овоз берилди. Бу галги сайловда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз номзодларини кўрсатишди.

Халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдирди. Сайловчиларнинг умумий сони 14 млн. 323 минг 709 нафарни ташкил этгани ҳолда, 12 млн. 197 минг 159 нафари, яъни 85,1 фоизи овоз беришда қатнашишди.

Пойтахтимиздаги мухташам "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида дунёнинг 35 давлатидан ташриф буюрган халқаро кузатувчилар, хорижлик ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида сайлов натижаларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўри-тош Мустафоев дастлабки натижаларни эълон қилди. Шунингдек, барча якуний натижалар ва расмий маълумотлар қонунда белгиланган тартибда матбуотда чоп этилишини билдирди.

Сайлов жараёнларида иштирок этган халқаро кузатувчилар сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтганини эътироф этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ҚЎШАЛОҚ ТАДБИР

Ўзбекистон республикаси ИИВ Ҳарбийлаштирилган-махсус мактаб-интернатиди ўқув йили биринчи ярмининг якунланиши ҳамда Янги йил байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни ИИВ "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуининг бошлиғи, полковник А. Исахўжаев ҳамда ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Расуловлар очиб, курсантларга Янги йил тилақларини изҳор қилдилар.

Тадбирнинг бадиий қисмида курсантлар ташриф буюрган ота-оналари, яқинлари ҳамда меҳмонларга ўзлари саҳналаштирган кичик кўринишлар, кўшиқ ва рақслар намойиш этдилар.

Тантана охирида Қорбобо ва Қорқиз болаларга вазирлик ҳамда "Жар" раҳбариятининг совғаларини улашди.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Германия Федератив Республикаси Шлезвиг-Хольштайн Федераль заминининг Ички ишлар вазирлиги қонунчилик бўйича бошқармаси сайлов комиссияси раиси, доктор Дитмар Лутц Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди.

Уни республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, полковник А. Шарафутдинов ҳамда ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғи, полковник А. Шариповлар қабул қилишди.

КУЗАТУВЧИЛАР ТАШРИФИ

А. Шарафутдинов юртимизда кечаётган сайлов жараёнларига қисқача тўхталар экан, жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари ушбу муҳим сиёсий жараённинг боришига аралашмасликлари, фақатгина сайлов участкаларида осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни назоратга олишларини айтиб ўтди. Шунингдек, сайлов кампаниясини тарғибот-ташвиқот этишда тизим ходимлари иштирок этмаслигини таъкидлади.

Бундан ташқари, нотик мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларига, чунончи, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонлари халқаро меъёрларга мос келаётганини эътироф этди.

Шундан кейин А. Шарипов ички ишлар идораларида олиб борилаётган ислохотлар ва жамоатчилик билан ўрнатилган алоқалар хусусида гапириб берди.

Сўхбат чоғида доктор Дитмар Лутц самимий қабул учун ўз ташаккурини изҳор этди.

— Мен бундан 8 йил аввал юртингизда бўлганим, — деди муҳтарам меҳмон. — Ўтган вақт мобайнида мамла-

катингизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан таажжубга тушдим. Қисқа вақт ичида бундай тараққиётга эришиш осон эмас. Бу жуда катта ютуқдир. Энг асосийси, икки палатали Ўзбекистон Парламенти яратилиши ҳам жаҳон стандартларига жавоб беришига ишончим комил. Жамиятни демократик тамойил асосида бошқариш йиллар ўтиб, албатта, ўзининг ижобий натижасини кўрсатади, — дея сўзини якунлади Дитмар Лутц.

Мулоқот якунида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олишди.

Шунингдек, Республика Ички ишлар вазирлигига сайлов жараёнларида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган Эрон Ислмо Республикаси делегацияси ҳам ташриф буюрди.

Эрон Ислмо республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг парламентлараро алоқалар бошқармаси раҳбари Али Муҳаммадий бошчилигидаги делегация аъзоларини полковниклар А. Шарафутдинов ва А. А. Шариповлар кутиб олишди ҳамда меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.


Қобилжон ШОКИРОВ.

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармасида "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари оид халқаро ҳужжатлар" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тўпلام республика ИИВ ТББ бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, полковник А. Шарафутдинов ва республика ИИВ ТББ катта терговчиси, юридик фанлари доктори, полковник А. Сатторов томонидан тузилиб, БМТ Тараққиёт дастури иштирокида нашр этилди.

Тўпладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини белгилаб берувчи халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг асосий қоидалари ўрин олган. Ушбу китоб бундан бир йил олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг қўшма мажлисида нашрга тавсия этилган эди.

Муаллифлар ўз олдларига мутахассисларга одил судловни амалга ошириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро



ҳамда миллий қонунчиликдаги асосий стандартларни етказиш вазифасини қўйишган эди. Бундан ташқари тўпламга "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги халқаро конвенция, "Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида"ги Шанхай конвенцияси каби муҳим халқаро ҳужжатлар киритилган.

Тақдимот маросимида республика ИИВ ТББ бошлиғи, полковник А. Шарафутдинов, БМТ Тараққиёт дастури мувофиқлаштирувчиси Е. Абдуллаев, ҲТ ва ОАВБАҚБ ҳуқуқшунослик бюроси бошлиғи, подполковник З. Нурматов, республика ИИВ ТББ ходимлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.


ҲАРБИЙЛАР БЕЛЛАШИШЯПТИ

28 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида энг яхши мутахассис кўрик-танловининг якунловчи босқичи бошланди. Кўрик-танлов "Энг яхши сержант", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири" ва "Энг яхши батальон командири" йўналишлари бўйича ўтказилапти. Унда республика Мудофаа вазирлиги, ИИВ Ички ва Қоровул кўшинлари, шунингдек, Чегара кўшинларининг ҳарбий хизматчилари иштирок этишмоқда.

Тадбирдан кичик ва ўрта бўғиндаги кўмондонлик кадрларининг ўз касбий маҳоратини оширишини қўллаб-қувватлаш, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини юксалтиришга бўлган қизиқишларини ошириш, янги ҳарбий аъёнларни шакллантириш, жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш каби мақсадлар кўзланган. Кўрик-танлов 30 декабрь кунини ўз якунига етади. Ғолибларга дипломлар ва пул мукофотлари Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали мажлисда топширилади. Кўрик-танлов натижалари ҳақида газетамизнинг кейинги сонларидан бери батафсил маълумот берамиз

Ўз мухбиримиз.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ЖАБРДИЙДАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Жануби – Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида кучли зилзила ва цунами юз берди. “BBC News” хабар қилишича, қурбонлар сони тобора ортиб бормоқда. Табиий офатдан жабр кўрган мамлакатларнинг расмий вакиллари айтишича, 85 мингдан зиёд одам ҳалок бўлган. Тиббий ходимларнинг тахминига кўра, тарқалиши мумкин бўлган вабо ва безгак туфайли яна шунча кишининг нобуд бўлиши кутилмоқда.

Айниқса, Индонезияда ўлганлар кўп – 32 мингдан ортиқ. “Associated Press”нинг маълумотларига қараганда, фақат Мулабох шаҳрида ҳалок бўлганлар 10 мингга яқин. Банда-Ачех шаҳрида эса бу рақам 9 минг-

ни ташкил этади. Қутқарув ишларини давом эттиришяпти.

Шри-Ланка мамлакатидида эса 22 мингга яқин киши ўлган маълум. Улардан 1,5 мингги улкан тўлқин ағдариб юборган поезднинг йўловчиларидир. Ҳозирча пачақланган вагонлардан уч юзга яқин одамнинг жасади олинди. Мамлакатнинг Фавқуллода вазиятлар маркази директори тахмин қилишича, оролда қурбон бўлганлар сони 25 минг кишига етиши мумкин.

Ҳиндистонда сув тошқини туфайли қурбон бўлганлар сони расмий маълумотларга

қараганда 12,5 мингдан ошди. Ҳаттиз мингга яқин киши ҳозирча бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда.

Таиландда деярли икки минг кишининг ўлими қайд этилди, бир ярим мингга яқин

ли касалликлар яна минглаб одамларнинг ёстиғини қуритиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун жабр кўрган мамлакатларга зудлик билан ичимлик суви ва дори-дармонлар етказиб бериш зарур.

Қурбонлар орасида сайёҳлар ҳам бор. Шри-Ланкада 70 нафар хорижлик фуқаро ҳалок бўлган. Таиланд Ички ишлар вазирлиги эса 700 нафар сайёҳ ҳалок бўлгани ҳақида хабар қилган. Умуман, табиий офат юз берган Осиё мамлакатларида 22 француз, 16 нафар британиялик, 13 италян, 13 нафар норвегиялик ва 11 америкалик фуқаро ҳалок бўлгани тасдиқланди. Швеция ИИВ баёнотида




киши бедарак йўқолган деб тахмин қилиняпти. Ҳукумат бошлигининг сўзларига қараганда, жабрланганлар сони яна анчага ошиши кутилмоқда.

Малайзияда 65 киши, Мьянмада 36 нафар одам нобуд бўлди. Зилзила Африканинг шарқий қирғоқларига етиб борди. Сомали қирғоқларида 100 нафар балиқчи, Танзанияда эса 10 киши ҳалок бўлгани хабар қилинди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперти, доктор Дэвид Навирронинг айтишича, цунамидан кейин тарқалиши кутилаётган турли юкум-

кўра, бу мамлакатлик фалокат чоғида Таиландда бўлган 1,5 минг фуқаронинг тақдири ҳали номаълум. ГФР Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер германиялик қурбон бўлган сайёҳлар сони юз нафардан ошиши мумкин, деди. Ҳозирда тан жароҳати олганлар юз мингдан ошиб кетди. Сўнги маълумотларга қараганда, Африканинг тўрт мамлакатидида – Сомали, Кения, Танзания ва Сейшель оролларида жами 133 киши ҳалок бўлган. Баъзи ҳудудларда қурбон бўлганлар ҳақида ҳали маълумотлар олингани йўқ. Энг ачинарлиси, қурбонлар сони соат сайин ортмоқда.



ПОЛИЦИЈАЧИЛАР НИШОНДА

Ироқда яна маҳаллий осойишталик посбонларига ҳужум уюштирилди. Боғдод шимолида жойлашган Тикрит шаҳридаги полиция идорасига бостириб кирган жангарилар 12 нафар полициячини ўлдириб, бинони портлатиб юборишган. Шаҳар жанубида эса назорат-ўтказиш масканига хуруж қилинди. Отишмалар чоғида юқори мансабли полиция офицери ҳалок бўлди,



уч киши яраланди. Самаррадаги полиция идорасига уюштирилган ҳужум чоғида ҳам олти нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Гувоҳларнинг айтишича, жангарилар яхши қуролланишган эди ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилишган. Кузатувчилар 2005 йил 30 январда ўтказилиши режалаштирилган сайловлар яқинлашгани сайин Марказий Ироқда қуролли тўқнашувлар кучаяётганини қайд этишмоқда.

«КАМАЗ» ҲАЙДОВЧИСИ АЙБДОР

Россиянинг Екатеринбург шаҳри яқинида йирик авария юз берди. Яхмалак қоплаган автотрассада 30 га яқин автомобиль ўзаро тўқнашиб кетди. Воқеа жойига зудлик билан учта йўл-патруль хизмати наряди етиб келди.



Свердловск вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат инспекцияси инспектори Вадим Балдуевнинг айтишича, “Лукойл” ёнилғи қуйиш шохобчасидан чиқаётган «КамАЗ» фургонининг «Жип» машинасига йўл бермагани сабаб бўлган. Сўнги дақиқада фургон ҳайдовчиси тормозни босишга улгурди. «Жип» эса четга бурилди. Аммо бу авариянинг олдини ололмади. «КамАЗ»га катта тезликда келаётган «ВАЗ-2111» енгил

автомобили урилди. Шундан сўнг Екатеринбург томон келаётган автомашиналар бири бири билан тўқнашиб кета бошлади. Йўл сирпанчиқ бўлгани учун яна 25 та машина аварияга учради. Уларнинг ҳаммаси турли даражада техник талофат олган.

Тўғри, жароҳатланганлар кам. «КамАЗ» ҳайдовчиси ўзбошимчалик билан машинасида воқеа жойидан кетиб қолган. ИПХ ходимлари уни қидиришяпти. Автоинспекторларнинг айтишича, ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли Россияда сўнги кунларда йўл-транспорт ҳодисалари сони кескин ортди. Ульяновск вилоятида юз берган авария чоғида беш киши ҳалок бўлди. Бу ерда йўналишли такси билан юк машинаси тўқнашиб кетган

эди. Тўқнашув зарби шунчалик кучли эдики, “Газель” иккига бўлиниб кетди. Унинг орқа салонидаги барча йўловчилар воқеа жойида ҳалок бўлишди.

Колумбияда ҳам ЙТХ, яъни иккита йўловчи ташийдиган автобус тўқнашуви оқибатида 20 киши ҳалок бўлди, 30 йўловчи тан жароҳати олишди. Авария сабаблари ўрганиляпти.



ОВОЗЛАР ҲИСОБЛАБ БЎЛИНДИ

Украина Марказий сайлов комиссияси (МСК) мамлакатнинг барча сайлов комиссиялари баённомаларини ҳисоблаб, туғатди. Дастлабки натижаларга кўра, 2004 йил 26 декабрда Украинада бўлиб ўтган президентлик сайловларида Виктор Ющенко галаба қозонди. У сайловчилар овозларининг 51,99 фоизини тўплашга муваффақ бўлди. Унинг рақиби Виктор Янукович эса МСК маълумотларига қараганда, 44,14 фоиз овоз тўплаган. Сайловчиларнинг 2,34 фоизи ҳар икки номзодга ҳам қарши овоз беришган. Виктор Янукович президентлик сайлови натижаларидан норози бўлиб, Украина Олий судига мурожаат этишини айтди.

Украина МСК ўзининг сешанба кунги кечки мажлисида Виктор Януковичнинг ва у бошчилик қилаётган Минтақалар партиясининг сайловлар чоғида қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги борасидаги шикоятларини рад этган. Жумладан, Минтақалар партияси шикоятда сайлов кунда Ющенко ва унинг ҳамроҳлари сайлов участкасига ўз партияларининг рамзий ранги бўлган тўқ сариқ рангдаги шарф ўраб боришди, дейилган эди. МСК раҳбари бунга жавобан берган баёнотида кийим ранги сайловолди ташвиқоти ҳисобланмаслиги, ҳар бир киши ўзи истаган рангдаги кийимни кийишга ҳақлилиги таъкидланган. Шунингдек, МСК Ющенконинг шахсий сайтида 25-26 декабрь кунлари берилган материалларни сайловолди ташвиқоти деб тан олиншини ҳам рад этди. Чунки Украина қонунларида кўра, Интернет-нашрлар оммавий ахборот воситалари деб ҳисобланмайди.

Сешанба куни кечқурун Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган митингга Ющенко ўз тарафдорларини ҳукумат биносини тўсиб қўйиб, Виктор Янукович бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлис ўтказишига йўл қўймасликка чақирди.

Эслатиб ўтамиз, Украина парламенти Януковични истеъфога жўнатиш ҳақида қарор қабул қилган, аммо мамлакат Президенти Леонид Кучма бу қарорни тасдиқламаган эди. Сайлов кампанияси даврида Виктор Янукович таътилга чиққан. У сешанба куни ўз вазифасини бажаришга киришди.



Маърифат дарси



ЎЗБЕКИСТОНДА

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ИСЛОҲОТИ

Истиқлолга эришилган дастлабки кунлардан мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда жиддий ислохотлар қилишга киришилди. Чунки кўп йиллардан бери ҳукм сурган шўролар давлатининг сиёсати билан мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириб бўлмаслиги аён эди. Шунинг учун ҳам биринчи галда ислохотларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаракатлар бошланди. Маълумки, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни унинг фақат иқтисодий жиҳатдан тараққиётга эришгани белгиламайди, шунингдек, ҳар бир давлатда сиёсий тизим демократик тамойиллар асосида шакллантирилиши лозим. Бу, айниқса, шўролар тузумидан халос бўлган давлатлар учун зарур эканлигини давр кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш сари ҳаракатларда ривожланган, илғор давлатлар тажрибасидан ҳам ўрганилмоқда. Давлатнинг ҳар томонлама тараққиётга эришиши учун мавжуд қонун ва қоидаларнинг мукамал ва пухта бўлиши асосий ўрин эгаллайди. Қонун чиқарувчи

орган, яъни парламентнинг фаолияти давр талабига мос равишда бўлиши учун уни ислох қилиш зарурати туғилди. Бир қатор давлатларнинг парламентлари икки палатали бўлиб, қонун чиқарувчи палата депутатлари доимий қонун ҳужжатлари билан ишлашга жалб этилган, бошқа иш билан шуғулланишмайди. Бу эса қонунларнинг ҳар томонлама мукамал бўлишини таъминлайди. Ана шундай икки палатали парламентлар тажрибасини ҳисобга олиб, бизда ҳам қуйи ва юқори палатали парламентга ўтиш масаласи умумхалқ референдумига қўйилди. Мамлакатда парламентни шакллантиришга қаратилган ислохотни амалга ошириш юзасидан сўрономада фуқароларимизнинг мутлоқ кўпчилиги розилик билдирди.

Шу ўринда икки палатали парламент фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Икки палатали парламент жаҳоннинг 75 мамлакатада мавжуд бўлиб, янги йилдан булар қаторига Ўзбекистон ҳам қўшилади. Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Испания, Япония, Канада ва шу каби бир қатор мамлакатларда бир

неча ўн йиллардан бери икки палатали парламент иш олиб борапти. Қуйи палатада тайёрланган қонунлар юқори палатада тасдиқланади. Қонунларнинг ҳар томонлама мукамал бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишда катта аҳамиятга эга. Чунки энди омма онгига етиб борган қонунларнинг ўзгартирилавериши салбий таъсир қилиши мумкин. Шу ўринда қонунчилик палатасидан катта масъулият, билим ва маҳорат талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси доимий ишлайдиган бўлиб, у профессионал депутатлардан ташкил толади. Илгариги, яъни шу давргача бўлган Олий Мажлис депутатларининг ҳаммасини ҳуқуқий жиҳатдан пухта билимга эга деб айтолмасдик. Шу боис ҳам

қонунларни тайёрлашда айрим камчиликлар кўзга ташланиб, чиқарилган қонунларга ўзгартишлар киритишга тўғри келарди.

Мамлакатимизда ўтган яшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов қонунчилигига биноан мамлакатимиз фуқаролари 120 округда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун овоз бердилар.

Янги парламент айтиб ўтганимиздек икки палата: қуйи палата, яъни Қонунчилик палатаси ва юқори палата – Сенатдан иборат бўлади. Қуйи палата депутатлари 120 сайлов округидан яширин овоз бериш йўли билан сайландилар. Сенат аъзолари эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олтидан, жаъми 84 та сенатор сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президентини фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга

бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар ичидан 16 нафар шахсни Сенат аъзолигига тайинлайди. Шу аснода Олий Мажлисининг Сенат аъзолари 100 кишини ташкил этади. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколат муддати беш йил қилиб белгиланган.

Шу ўринда мамлакатимиздаги сайлов тизими тўғрисида ҳам тўхталиб ўтамиз. Бўлиб ўтган сайловлар фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш, шу билан бирга икки палатали парламентни шакллантириш ва унда фаолият юритадиган муносиб депутатларни танлаб олиш имконини берди. Сайловда иштирок этган фуқаролар ўзлари муносиб кўрган номзод учун овоз бердилар.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округларда номзодлар кўрсатилди. Сайловчилар номзодлар билан учрашиб, уларнинг депутатликка сайлангандан кейинги иш режалари билан танишдилар. Номзодларнинг ҳаммаси асосан мамлакатимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлиши учун хизмат қилажакларини баён этдилар. Демократик тамойилларга асосланган сайловда мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги қисми иштирок этди. Биринчи марта икки палатали парламентга ва маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилган сайловни кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилот ва уюшмалардан вакиллар келиб кузатиб турдилар.

Парламентни ислох қилишнинг дастлабки режалари ижобат бўла бошлади. Эндиликда мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият юритади. Янги сайланган депутатлардан умидимиз катта. Чунки мамлакат ривожини, халқ фаровонлигини, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида чиқариладиган қонунлар ва уларнинг ижросининг таъминланишида парламент аъзоларининг хизматига ишонч билдирамыз.

Қатра

Маъсум қиш. Қор ёғмоқда. Фусункор, қумуш мавжлардек, жимир-жимир, бир-бирдан шўх, бир-бирдан сирли-сеҳрли қор учкунлари наинки болалар, балки катталар қалбида ҳам ширин дамларини ёдга келтиради. Мағрур, аммо кузак яланғочлаб кетган саф-саф дарахтларни, ям-яшил арчаларни, баланд-паст томларни қор босган. Мўрилардан тутун буралиб чиқади. Иссиқ уйларнинг деразаларига қиш изғирини нафис “гул” солган. Ичкарида файзли, шинам ва тўкин байрам дастурхонлари узра оилалар жамул-жамлиги, шодлиги. Ҳар бир уй, ҳар бир гўшада байрам дастурхони.

Оқ-оппоқ қиш сукунатининг сурури ўзгача. Қизиқ, сукунат ҳам шунчалар гўзал бўладими?! Фақат, гоҳида олислардан шўх – шодон кулгулар, болаларнинг қувноқ қийқириқлари эшитилади. Қорбўрон ўйнашапти. Ҳов нарида уч-тўртта болакай яхма-лак учади, яна бировлари қор-бобо ясашмоқда. Кимдир дарвоза йўлагиди қорни кураш билан овора. Қор эса ёғишдан бир зум тўхтамайди. Узоқ ёғмай



интиқ қилган қор. Ҳали борлиққа тун чўкишига анча муддат бор. Шу сабаб тафтиз қиш куёшида қорнинг қумушдек ялтирашидан кўзлар қамашади. Янги йил қувончи ҳар йили, ҳар юракда, ҳар юрда бўлакча.

Бугун, эски йилнинг сўнги кунини. Дилда бироз ғамгин дилдорлик, дилгирлик ҳам бор. Энди эски йил фақат тарих бўлиб қолаверади. Табиат қор ичида қолиб жаҳон гўзаллиги янада ортди. У оқ либосда шунчалар жозибали ва жононки, унинг ҳашам ва буюклиги инсонни, гарчи у ҳам табиат фарзанди бўлса-да, таслим этади. Янги йил бахтбахш мўъжиза. Унинг дунёдаги энг яхши, энг

сирли, энг сеvimли эртақда ҳам топилмайдиган сахнаси ҳар қандай инсонни ўзига чорлайди, маҳлиё этади.

Байрамлар кўп, лекин янги йилнинг ҳаммиша ва ҳамма жойда ўзгача ўрни, шуқуҳи, шодликлари борлигини ҳиссиёт бегона бўлмаган кўнгиллар туяди, ардоқлайди. Умидбахш дунё уни кутиб яшайди. Янги йил “эртаги” дилларга севинч бағишлайди, олис болалик соғинчи, келажак умиди бор унда. Қишда куёшнинг табассуми ожиз бўлса-да, қора тунлар қандили ёқилади унинг эртагида.

Қалбларда ажиб байрамона тошқинлик. Бўсағада янги йил. Ҳаётнинг яна бир саҳифаси орт-

да қолмоқда. Улгурилган ишлар бўлди, камчиликлар ҳам. Инсон ҳар хил. Кимдир ҳалол нон еб, эзгу ишлар билан умр кечиради, биров ҳаётнинг тору танг кўчаларига чидаб, курашиб яшайди. Яна бошқа бирининг тили бошқа-ю, дили бошқа, тулкимижоз фирромликни, мансабу таъмини аъмол этган. Начора, табиатнинг оқ ва қора ранглари ўртасидаги тафовут ҳаммиша мавжуд бўлиб қолаверади. Бу ҳам ҳаётнинг бир бўлаги.

Оппоқ қор уст-бошимизни ҳам оқликка буркайди. Ҳаял ўтмай лайлаққор ёға бошлади. Панага қочмаймиз. Совуқ бироз забтига олмоқда, аммо лайлаққорнинг тинишини истамаймиз.

Барибир унга хайрихоҳлигимиз бор, бундан қувонамыз. Уни соғингандик. Совуқ ҳаводан кўкракларни тўлдириб нафас оламыз. Янги йил кириб келмоқда. Нақадар чиройли ва сурурли, умидбахш дамлар. Йўлакларни оппоқ қор босган. Ҳозир оппоқ қор билан қопланган йўллар янги йилда бизни қандай йўллар – йўлдошлар, имтиҳонлар сари бошлайди?! Ҳозир муҳими бу эмас. Ўзимизни қаерга қўйишни билмаймиз, рости, янги йил билан, байрам билан яшаймиз, осмондан ўйнаб тушаётган қор парчаларига қараб, гўзалликдан сархуш бўламыз. Назаримизда оппоқ қор янги йил эртагини, унинг мўъжизасини сўйлаётгандек, шивирлаётгандек, қорнинг шивиридан бўлак тик этган товуш йўқдек.

Янги йил биз учун ўз тимсоллари, ўз ўхшатишлари билан сирли дунё. Эски йилнинг сўнги кунини, сўнги лаҳзалардаги соат зангининг жаранги қулоғимизда бироз ғамгин, тўлмаган кўнгил масканимизда ширин армон бўлиб қолаверади.

Янги йил ва унинг мўъжизаси бахтимиз, энг катта бойлигимиз – ота-онамиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз, тўкин-сочин байрам дастурхонимиз устида янги йил ва сихат-саломатлик учун кўтарган қадаҳларимизда, янги орзу ва куёш нуридек ёруғ умидларимиздадир.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

«Ноемга» gazetasining ilovasi



УСНИНСИИ ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Мўжиза

ЗАМОНАВИЙ КАРЛСОНЛАР



Мутахассисларнинг фикрича, бир неча йилдан сўнг елкасига паррак ўрнатилган одамлар гала-гала бўлиб ўзларига керакли манзилга учиб боришлари мумкин. Бутун дунёдаги муҳандислар якка тартибда учиб аппаратлари яратиш устида изланишяпти. Бир неча тажриба нухалари ҳам яратилди. АҚШ ва Европа мамлакатларидаги автоинспекция департаментлари ходимлари паст учувчи транспортлар учун само йўлакларни ташкил этиш борасида бош қотиришяпти.

... Швейцариянинг Ивердон шаҳарчасида яшовчи болалар бутлар остида учиб юрган одамни кўриб:

– Карлсон қайтиб келибди! – дея шодон қичкириб юборишди. У эртақ қахрамони эмас, ҳақиқий одам – 45 ёшли Ив Росси эди. Бу одам собиқ ҳарбий учувчи бўлиб, ўзига уч метрли пластик қанот ясади. Сўнг 4 километр баландликда парвоз этаётган самолётдан сакради. Икки ярим километрларга пасайганидан кейин парвозни горизонтал йўналишда давом эттириб, тезликни соатига 185 километрга етказди.

Эндиликда Ив Росси ўз кашфиётини такомиллаштириш – ердан туриб парвоз этиш устида ишлаяпти. Агар бунинг уддасидан чиқса, сайёрамизнинг исталган томонига учиб мумкин бўлади.


ВЕРТОЛЁТ-ОДАМЛАР

Ҳозирда учувчи елкасига тақиб парвоз қилиши мумкин бўлган вертолётлар мавжуд. Оғирлиги 146 кило, баландлиги 2 метру 40 сантиметр келадиган, иккита паррак ўрнатилган бу аппарат ёрдамида ердан кўтарилса бўлади. Унинг ихтирочис, ҳарбий денгиз флотининг собиқ учувчиси Майкл Моушер ўз кашфиёти кўмагида уч километр баландликка кўтарилиб, соатига 240 км тезликда парвоз қилди.

Аппарат содда тузилган. Дисплейда жой харитаси ва парвоз кўрсаткичлари кўриниб туради. Ўнг қўлдаги дастак руль ва тезликни меъёрлаштирувчи вазифасини ўтайди. Чап қўлдаги дастак эса пасайиш ва баландлашиш операцияларини бажаради. Агар двигател ишламай қолса, ерга етиб олишга имкон берадиган авария тизими ишга тушади. Уям панд берса, учувчи елкасидаги парашютдан фойдаланади. Аппаратнинг корпуси ва деталлари худди жанговар самолётлар сингари чидамли алюминийдан қилинган.



УЧАР ТАКСИ КЕРАКМИ?



“Бешинчи элемент” фильмини кўрганмисиз? Унинг қахрамони Брюс Уиллис осмонўпар бинолар орасида учар таксида парвоз этади. Беш йилдан кейин бу хаёл ҳақиқатга айланади. Лондондаги “AVCEN” фирмаси ушбу лойиҳани амалга оширишга киришди. Конструкторларнинг айтишича, ҳаво таксилари 150-230 метр баландликда соатига 560 км тезликда, деярли шовқинсиз учади. “Таксилар” Лондондан яқин атрофдаги шаҳарларга қатнаши мўлжалланмоқда. Тўғри, йўл ҳақи “чақади” – 90 АҚШ доллари. Аммо вақт ҳам пул, уни тежаш учун нималар қилмайди киши.

ВИННИ-ПУХНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

Ёкутистонлик Виталий Куликов мультфильм қахрамони айиқполвон – Винни-Пухни доғда қолдиришга қарор қилди. У оддий ҳаво шарларида парвоз этиш бўйича жаҳон рекорди ўрнатди.

Куликов 28 ёшда. У компьютер компаниясида техник эксперт бўлиб ишлайди.

– Зерикарли, бир хил ҳаёт жонга тегди, – дейди Виталий. – Қизикарлироқ яшаш учун нима қилсам экан деб ўйладим. Охири шу йил ёзда оддий ҳаво шарларида парвоз этишга қарор қилдим.

Бунгача Куликов парашютда бор-йўғи тўрт марта сакраган эди, холос. У ниятини амалга оширишдан олдин бу борада бошқалар эришган натижалар билан қизиқди. Маълум бўлишича, АҚШ ва Англияда яшовчи айрим фуқаролар ҳам бундай усулда учиб туришаркан. Шу пайтгача ўрнатилган жаҳон рекорди эса 3350 метрни ташкил этарди.

Виталий биринчи парвозини шу йил сентябрь ойида амалга оширди. Дастлаб 400 метр баландликка кўтарилиб, 25 дақиқача чайқалиб турди.


У эришган натижасидан қониқмай, саъй-ҳаракатини давом эттирди. Иккинчи парвози олдидан ҳомийлар топилди. Улар ҳаво шарлари ва гелий гази билан таъминлашди.

Старт куни бўрон кўтарилди. Шарларни шишириш учун беш соатлар овора бўлишди. Ниҳоят ҳамма шарга ҳаво пуфдаб бўлишгач, арқонни қирқишди.

– Мен худди пардек энгил бўлиб, осмонга кўтарилиб кетдим, – дея хотирлайди Виталий. – Рация орқали пастдагилар билан доимий алоқанда бўлдим. Ер борган сари узоқлашарди. Уч ярим минг метрга кўтарилганимда, Россия биринчи ўринга чиқди деб кувониб кетдим.

Ҳар сонияда Виталий 7 метр баландлашарди. Ҳарорат ва босим ўзгаришлари таъсирида ҳаво шарлари кетма-кет ёрилди. 5600 метрга кўтарилганида Куликов Ёкутистондаги она қишлоғини эслади. Атрофда

қалин туман, жимлик ҳукмрон. Ҳарорат – минус 60° С. Нафас олиш қийин. Виталийнинг юрак уриши тезлашди. Аммо одам 7 минг метр баландликда ҳушидан кетади. У бўлса 5724 метр тепага кўта-



рилди. Энди аста-секин пастлай борди. Чунки шарлар гелий газини чиқара бошлашди. Парашютчилар яхши билади, сониясига 20 метр тезликда шамол эсиб турганда парашютда спорт устаси сакраса ҳам, ҳалокатга учраши аниқ. Куликов пасаяётганида эса сониясига 45 метр тезликда шамол эсарди!

Виталийнинг ҳам парашюти бор эди. У азбаройи хотинини тинчлантириш учун шундай қилганди.

– Ерга 200 метрлар қолганда пастлашиш тезлиги ошиб кетди, – дейди Куликов. – Энди тамом деб ўйладим. Соатига 162 километр тезликда дарахтга урилса, ҳар қандай одам ҳам ўлиши тайин. Эй худо, ўзинг асра, деб илтижо қила бошладим.

Виталий қаттиқ урилганидан дарахт новдаси чўрт узилиб кетди. Жисмонан чиниққанлиги, костюми қалинлиги туфайли, қолаверса, омади келиб, у қаттиқ жароҳатланмади. Шох-

шаббалар қулашини секинлатди. У энг пастки новдаларга осилиб қолишга муваффақ бўлди. Акс ҳолда етти метр баландликдан тақир ерга кулаб тушган бўларди. Кечки пайт амаллаб дарахтдан пастга тушди. У парвоз этган жойидан 64 километр нарига – Тверь вилоятига кўнганди. Тез орада милиция ходимлари, кутқарувчилар, шифокорлар етиб келишди.

Пастга кулаётиб у видеокамерасини йўқотиб қўйганди. Орадан уч кун ўтиб дўстлари билан келганида видеокамерани бус-бутун ҳолда топиб олди. Унда парвоз манзаралари тасвирга туширилган эди.

Тўғри, Виталийнинг омади келди. Аммо унинг жисмонан чиниққанлиги ҳам қўл келди. У турникда 100 мартадан ортиқ тортила оларди. Альпинизм билан шуғулланарди. Нима бўлганда ҳам эслатиб ўтаамиз: бундай парвозлар ўта хавфли, одатда ҳалокатли якун топади. Шунинг учун Куликовнинг “қахрамонлиги”ни мустақил равишда такрорлашга уринмаганингиз маъқул.

BOLALAR SAHIFASI



KUNLARDAN BIR KUN...

SALOMAT XOLA MAMNUN

Boburlarning mahallasida qor yoqqanda sirpanchiq uchish uchun tepalik yoq. Lekin Salomat xolaning uyi pastlikda bo'lgani uchun bolalar ko'pincha shu yerni sirpanchiq maydoniga aylantirishadi. Garchi xola bundan ranjisa-da, bolalarga qattiq gapirmaydi.

Yana qor yog'ib hamma yoq oqqa burkanganda, Salomat xolaning uyi oldi bolalarga to'ldi. Kim chanada, kim dadasining tagi silliq bolib ketgan etigida sirpanchiq uchardi. Xola qo'lida chelak ko'tarib eshikdan chiqdi va bolalarga qarab kulib qo'ydi. Uni ko'rgan bolalar xijolat bo'lib sekin tarqalmoqchi bo'lishdi. Kampirning ochiq chehrasini ko'rgan

Turg'unboy bilan Bobur darrov kelib chelakni oldi va:

– Xolajon, siz uyga kiravering, suvni biz olib kelib beramiz, – dedi.


Salomat xola suv olib kelgan o'smirlarni duo qildi va:

– Bolalarim, mayli sirpanchiq uchinglar, lekin ehtiyot bo'linglar, o'g'lim Karimjon katta yo'lda sirpanchiq uchayotib mashina tagiga kirib ketgan. Bu yerdan mashina yurmasa ham biror bola yigilib lat yemasin deyman. Katta yo'lga chiqmay shu yerda o'ynanglar, – dedi.

– Xolajon, suv kerak bo'lsa, aytasangiz o'zimiz keltirib beramiz, – dedi Bobur.

Salomat xola mamnun jilmayib qo'ydi.

Sadriiddin ABDULLAYEV.



Kim qaysi musiqa asbobini chalyapti?

DONO BOBO O'GITLARI

Bolajonlarim! Qishli-qirovli kunlarda ayrim qushlar don topolmay qiynalib qoladi. Ana shunda ularga yordam berish burchingiz ekanini unutmang. Donxo'rak yasab, unga bugdoy, makkajo'xori tashlab qo'ysangiz qushlar kelib oziqlanadi. Inson bolasi Alloh yaratgan barcha parrandayu, darrandalarga rahmli bo'lishimiz kerak.

O'TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQNING JAVOBI

Nasriiddin Afandi xasis boyning to'q-qizta qoyni 10 ta deb o'tkazish uchun sanoqni teskaridan boshlab 10,9,8,7,6 gacha sanaydi va 6 ga qolgan to'rt qo'yni qoshib 10 ta deydi.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Эркин ҚОДИРОВНИ 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. У кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва бардамлик тилаб, яна кўп йиллар оила аъзолари, сафдошлари ва дўстлари даврасини тўлдириб юришини Аллоҳдан сўраймиз.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ навбатчилик қисми ходими, майор Жалил ҲАФИЗОВ ва катта инспектор, Қозимжон ҒАНИЕВларни тутилган кунлари билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбаримизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Навбатчилик қисми шахсий таркиби.

Тошкент метрополитенини кўриқлаш ИИБ рота сардори, майор Унгарбек УРАЗБЕКОВНИ 40 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Мехрибон жигарбандимиз, азиз дўстимизга узоқ ва мазмунли умр тилаб, Аллоҳдан мартабаси янада улуг, ўзи саломат бўлиб кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини сўраймиз.

Эҳтиром ила оила аъзолари ва дўстлари.

Қашқадарё вилояти ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Чори НОРМУМИНОВНИ 1 январь тутилган куни билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳамкасбаримизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Вилоят ИИБ тергов бошқармаси шахсий таркиби.

Собир Раҳимов тумани ИИБ катта терговчиси, майор Исmoil ИБРОҲИМОВНИ 40 ёшга тўлгани билан чин дилдан қутлаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаб, мартабаси улуг бўлиб, кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Эҳтиром ила оила аъзолари ва яқинлари.

Навоий вилояти ИИБ ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, подполковник Насриддин МУҲАММЕДОВНИ 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбаримизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, оғир ва шарафли хизматларида ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака, тўкинлик аримасин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



КҮЙ. Душанба ҳар бир ишга масъулият, эътибор ва саришталик билан ёндошишни талаб этади. Ҳафта бошида йилни сархисоб қилиб, келгуси режаларни чамалаб олиш мумкин. Ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда шошилмасдан яқинларингиз билан маслаҳатлашиб олиш фойдадан холи бўлмайди.



СИГИР. Янги йилнинг биринчи ҳафтасида мўжизалар рўй берма-са-да, яхшилик келтирадиган воқеалар рўй бериши эҳтимолдан холи эмас. Чоршанба куни яқинларингизни тушунишга ҳаракат қилинг. Ҳафтани кўнгилли ўтказиш кўпроқ ўзингизга боғлиқ, эҳтиросларга берилмаганингиз маъқул.



ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафта яхшиликлар билан бошланиши учун атрофдагиларга эътиборли бўлишни маслаҳат берамиз. Саломатлик ҳақида қайғуришни унутманг. Пайшанба, жума кунлари кайфиятингизни кўтарадиган тадбирлар ташкил этишга имконингиз бўлади.



ҚИСКИЧБАҚА. Бу ҳафтада кўп соҳа ва йўналишларда қулайлик бўлади. Душанба куни сизни муваффақият кутяпти. Пайшанбада унча катта бўлмаган, лекин катта аҳамиятли омад кулиб боқади. Ҳафта охирида кичикроқ саёҳатга чиқишни маслаҳат берамиз.



АРСЛОН. Душанба куни сабрли бўлишни унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида атрофдагилар билан муносабатда қўтилмаганда яхши томонга ўзгариши мумкин. Улар сизга ҳар томонлама фойдали маслаҳат беришлари ёки иш таклиф этишлари қутиляпти.



БОШОҚ. Ижодкор кишилар учун бор маҳоратни намоиш этадиган ҳафта. Янгиликлардан бохабар бўлиб туринг, ўзингиз учун муҳим бўлган янгилик эшитасиз. Барча гина-қудуратларни эсдан чиқаринг. Йилни қандай кайфиятда бошласангиз охиригача у сизни тарқ этмаслиги мумкин эканлигини унутманг.



ТАРОЗИ. Бу ҳафтада кўлга киритадиган барча ютуқлар ўзингизга боғлиқ бўлади. Бунинг учун яхши инсоний фазилатларни намоён қилиш лозим бўлади. Ҳамма нарса олдиндан режалаштирилмай, бир маромда бориши омад келтириши мумкин. Оила даврасида, кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг.



ЧАЁН. Ҳаётда янги саҳифалар очиш вақти етди. Йилнинг бошидаёқ янги имкониятлар туғилиши қутиляпти, уни қўлдан берманг. Жума ҳафтанинг энг ажойиб куни бўлиши мумкин. Ҳафтани байрамлардагидек қувноқ кайфият билан ўтказинг, унинг таассуротларини кўп вақт эслаб юришга арзийдиган бўлсин.



ЁЙ. Барча қийинчиликлар ортда қолди деб хотиржам бўлишга ўрин йўқ. Атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлиш, саломатлик ҳақида ўйлаш, ўтиб кетган, кўнгилни ғаш қилган ишларни эсдан чиқариш керак. Пайшанба куни ажойиб кишилар билан учрашув қутиляпти. Жума хонадонингизга хотиржамлик ва қувонч келтиради.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Эртангама ҳаёлларга берилмасдан, аниқ режалар тузиш вақти етди. Муаммоларни яқин кишилар билан ҳал этишни маслаҳат берамиз. Ҳафта ўртасида яхши хабарлар қутиляпти. Яқинларингизга эътиборлироқ бўлинг, дам олиш кунларини бирга ўтказганингиз маъқул.



ҚОВҒА. Бу ҳафтада қўлдан келмайдиган, бировнинг ёрдамига суянадиган ишларга қўл урмасликни маслаҳат берамиз. Душанба куни кайфиятингизни туширадиган ишларга эътибор бермаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари фақат ҳордик чиқаришни маслаҳат берамиз.



БАЛИҚ. Кўпдан бери қутиляётган омад кулиб боқиши мумкин. Муваффақиятларни дўстларингиз билан баҳам қурасиз деган умиддамиз. Жума ҳафтанинг энг ажойиб куни бўлади. Дам олиш кунлари қўтилмаганда узоқ танишларингиз билан учрашиш эҳтимоли бор.



ДУШАНБА, 3

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома"
8.45 "Кушлар ҳақида ҳақиқат". Телесериал.
9.35 Най наволари.

Эшлар телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома"
8.45 "Кушлар ҳақида ҳақиқат". Телесериал.

Спорт телеканаллари

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг".
Тонгги дам олиш дастури.

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Ойини очиб берилган дастури
17.00 "Зарубежные клипы"

ОРТ

6.00, 10.00 Новости
6.10 Мультсериал
6.40 Сериал "Династия"

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Сериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ"

ДТВ

9.30 Мультфильмы.
10.55 Телемагазин.
11.30 "На бульваре с Эвелиной Блэданс..."

СТС

8.00, 8.25, 8.50 Мультфильмы.
9.20 "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЭЛЕКТРОНИКА"

СЕШАНБА, 4

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.

Эшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг".
Информацион-дам олиш дастури.

Тошкент телеканаллари

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: "Кайсар ва довураклар"

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 "Телехамкор"

ОРТ

6.00, 10.00 Новости
6.10 Мультсериал
6.30 Сериал "Династия"

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Сериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ"

ДТВ

9.30 Мультфильмы.
10.55 Телемагазин.
11.30 "На бульваре с Отаром Кушанашвили..."

СТС

8.00, 8.25, 8.50 Мультфильмы.
9.20 "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЭЛЕКТРОНИКА"

НТВ, душанба
21.45 Уткир сюжетли фильм. "ОЛТИН КЎЗ" ("ЗОЛОТОЙ ГЛАЗ")

Рус казаклари авлодидан бўлган, 006 нинг собиқ агенти ядро қуроли бошқариладиган "Олтин кўз" махфий компьютер жамламасини қўлга киритади...




ДТВ, сешанба
23.00 Жангари фильм. "ПРОФЕССИОНАЛ"

Франция ҳукмати Африка давлатларидан бирининг ҳокимиятига ўзининг махфий агентини топширади...




ОРТ, чоршанба.
21.15 Бадий фильм. "СМОКИНГ"

Оддий такси ҳайдовчиси хаёлига ҳам келмаган эришади. Уни миллионер Кларк Девлинга ҳайдовчи этиб қабул қилишади...



ТВ 3, пайшанба
23.50. Триллер. "ИСТЕЪДОДЛИ ҲАМ БИЛАДАН" ("СПОСОБНЫЙ УЧЕНИК")

Америкалик махфий ўқувчиси Тодда Бауден тарих фанни жуда севади. Айниқса, нацизм тарихи унинг учун жозибадор бўлибди...



ЧОРШАНБА, 5

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Қушлар ҳақида ҳақиқат". Телесериал.

Тошкент телеканаллари

- 10.10 "Давр"-интервью.
10.25 Футбол-плюс.
10.45 Буш ўтирма.

Sport телеканаллари

- 7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг".
Тонгги дам олиш дастури.

РТР

- 4:00 "Доброе утро, Россия!".
6:45 Комедия "Я-Цезарь".
8:45 Мультсериал "Тайны дворцовых переворотов".

30-й канал

- 12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 "Телехамкор"

- 10.10 Фильм "Частный детектив, или Операция "Кооперация"
12.00 "Новогодняя шутка с Еленой Степаненко"

- 16:25 Ток-шоу "ПРИНЦИП "ДОМИНО"
17:25 Сериал "ОТРАЖЕНИЕ"

ТВ 3

- 8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Сериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ"

- природы".
10.00, 11.35, 12.00, 12.30, 12.55, 13.25, 13.50, 14.15 Мультфильмы.

СТС

- 8.00, 8.25, 8.50 Мультфильмы.
9.10 "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ТОМА СОЙЕРА И ГЕКЛБЕРРИ ФИННА"

ДТВ

- 9.30 Мультфильмы.
10.55 Телемагазин.
11.30 "На бульваре с Эвелиной Бледанс..."

7 ТВ

- 7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 11.30, 12.30, 13.30, 14.30, 15.30, 16.30, 17.30, 18.30, 19.30, 20.30, 21.30, 22.30, 23.30, 0.00, 0.30, 1.00, 1.30, 2.30, 3.00, 3.30, 4.00, 4.30, 5.00, 5.30, 6.00, 6.30 Линия жизни.

ТНТ

- 5:55 "СВАДЬБА И НИКАКИХ ПОХОРОН". Комедия.
7:40 "НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ". Сериал.

ПАЙШАНБА, 6

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Ўзбектефильм" намоийши:

Тошкент телеканаллари

- 8.55 Иклим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 "Мухаббат жоғароси". Телесериал.

ОРТ

- 6.00, 10.00 Новости
6.10 Мультсериал "Приключенческий сериал "Динотопия"

- 19.35 "Давр"-репортаж.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Қизил худуд.
20.10 ТВ-адвокат.

Sport телеканаллари

- 7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг".
Тонгги дам олиш дастури.

30-й канал

- 12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 "Телехамкор"

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".

Тошкент телеканаллари

- 6.55 Курсатувлар тартиби.
7.00 "Мунаввар тонг".

ОРТ

- 6.00, 10.00 Новости
6.10 "Королевская битва: акула атакует"

- 13.55 "Футбол юлдузлари".
15:25 Мультфильм "Энциклопедия ТАИН. ЗРЕНИЕ: УВИДЕТЬ - ЗНАЧИТ ПОВЕРИТЬ"

ТВ 3

- 8.30 "Победоносный голос верующего".
9.00 "Сериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ"

СТС

- 8.10 Фильм "Золотое путешествие Синдбада"
10.10 Комедия "Полицейские и воры"

ЖУМА, 7

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Мумтоз наволар. "Болалар сайёраси".
9.00 1. "Болалар спорти". 2. "Цирк, цирк, цирк".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Фидойи".
Кишки таътил кунларида:
10.25 "Қор маликаси". Бадийий фильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 "Долзарб мавзу".
12.30 Мусиқий танаффус.
12.40, 16.25 ТВ анонс.
12.45 "Маърифат ёғдуси".
13.10 "Бу турфа олам".
14.10 "Мувозанат".
14.35 "Мусиқа ва театр".
14.55 Кундузги сеанс: "Ы" операцияси ва Шурикнинг янги саргузаштлари" Бадийий фильм.
"Болалар сайёраси":
16.30 1. "Санъат гунаҳлари". 2. "Уйла, Изла, Топ". Телемусобака. 3. "Капалакнинг саргузаштлари". Спектакль.
17.55 ТВ анонс.
18.10 "Тафсилот".
18.25 Бир жуфт кўшик.
18.35 "Олтин бешик".
19.05 "Хидоят сари".
19.25 "Ўзлото кундалиги" ва рекламалар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
20.00 "Оқшом эртақлари".
20.15 "Дастурхон атрофида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Сайловлар, ва биз".
21.35 Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари марказий ашула ва ракс ансамблининг концерти.
21.55 2005 йил "Сихат - саломатлик йили", "Сихат-саломатлик".
22.15 "Ўзбекистон телеканалида илк марта: Таба: "Факат Сиздан кейин". Бадийий фильм.
00.05 "Ахборот-дайжест".
00.25-00.30 Ватан тим-соллари.

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 "Мухаббат можароси". Телесериал.
10.10 "Давр"-репортаж.
10.25 Болалар экранлари: "Мумитрол ва бошқалар".
11.05, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
11.10 Томорка.
11.20 Жаҳон жугрофияси.
12.10 Бегойим.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 "Шуке ва Бэйта". Мультипликация.
13.35 "Янги авлод" студияси: Соглом авлод.
13.55 Кизил худуд.
14.10 "Совга". Телевизион бадийий фильм.
14.45 Нигоҳ.
15.15 "Даллас". Телесериал.
16.15 Меҳр кўзда.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
17.00 Алифбе байрами.
17.20 Ватан химоячилари кўни олдида. "Сардор". Телевизион бадийий фильм.
18.00 Озод юрт фарзандлари.
18.20 ТВ-дорихона.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Телевикторина.
19.50 Сайёра.
20.05 Нуриддин Аскар кўлида.
20.25 ТВ-адвокат.
20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 "Мухаббат можароси". Телесериал.
21.30 Кишлокдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Автосалтанат.
22.55 "Шамолларда қолган хисларим". Бадийий фильм. 5-қисм.
23.50 "Ёшлар" телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.40-0.45 Хайрли тун.

Тошкент телеканаллари

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: "Қайсар ва довораклар".
17.35 "Табриклаймиз кутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 20.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Болажон, қақажон".
18.30, 20.00, 20.55, 22.05 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз кутлаймиз".
19.20 ТТВ да сериал: "Шахарлик фаришта".
20.20 "Биз ва болалар".
21.15 "Дорихона эши-тади". Бевосита мулоқот.
22.25 Кинонигоҳ: "Хисобли никоҳ".
23.55-24.00. Хайрли тун, шахрим!

РТР

4:00 "Доброе утро, Россия!".
6:45 Фильм-сказка "Подземелье драконов".
8:45 Мультипликация.
8:55 "Городок".
9:25 "В поисках приключений".
10:15 Фильм "Тайны дворцовых переворотов. Россия, век XVIII...". Фильм 4-й "Падение Голиафа".
12:00, 18:00 ВЕСТИ.
12:20 Фильм "Любить по-русски-2".
14:05 Бенефис Надежды Бафкиной.
15:40 "Ундина. На гребне волны". Сериал.

Sport телеканаллари

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "Болалар спорти".
9.15 Биатлон. Жаҳон кубоги.
10.05 "Спорт - антракт". Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
10.10 В. Глаголева, А. Збруев "Бечора Саша" комедиясида.
12.00 "Ю. Гальцев ва С. Дроботенколарнинг Янги йил хазили". "SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
13.20 Мини футбол.
13.55 "Нокаут".
14.25-14.55 "Дунё манзаралари"...
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Болалар спорти".
17.30 "Белида белбоги борлар".
17.50 "Спорт - клуб". Ринг.
18.20 Кураш. Республика кубоги.
18.50 "Дадиллик учун соврин". Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
19.10 Премьера. А. Абдулов, С. Гармаш, С. Никоненко "Тонг, отганда уйғонишди" комедиясида.
21.00 "Время". "SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.15 "Хабарлар".
21.30 "Спорт - менинг ҳаётим".
21.45 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
22.25 "Спорт этюдлари".
22.40 Футбол.
23.25 Жаҳон спорти: "Снукер".
00.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30-й канал

12.00 Открытые программы
12.05, 17.25, 21.00 "Телехамкор"
12.25 "Детский час"
12.50 "Возвращение Мухтара", сериал
14.00 "Спина к спине", комедия
15.40 "Ошикона", мусиқий дастури
16.25 "Тайны мира"
17.45 "Детский час"
18.10 "Музыкальная пауза"
18.45 Бокс
19.45 "Ошикона", мусиқий дастури
20.30 Юмористический сериал
21.20 "Музыкальная па-уза"

HTB

6:45 Мультифильм "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЭЛЕКТРОНИКА".
8:00, 10:00, 13:00, 16:00, 19:00 "СЕГОДНЯ".
8:15 Мультифильм "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЭЛЕКТРОНИКА".
8:00, 10:00, 13:00, 16:00, 19:00 "СЕГОДНЯ".
8:15 Мультифильм "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЭЛЕКТРОНИКА".
8:35 Комедийный сериал "2,5 ЧЕЛОВЕКА".
9:05 "ЭНЦИКЛОПЕДИЯ ТАИН. ПЕРЕСЕКАЯ ГОРИЗОНТЫ".
10:25 "КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК".
11:20 Фильм "ТОЛЬКО РАЗ В ЖИЗНИ".
13:25 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД ОТ ВСЕЙ ДУШИ".
15:05 Мультифильм "13 ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".
16:25 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО".
17:30 Сериал "ОТРА-

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Сериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ".
10.00, 10.30 Мультипликация.
11.00 Ток-шоу "Моя семья".
12.00 Ток-шоу "Большая стирка".
13.00 Фильм "ПРИНЦИП ДОМИНО".
15.00, 20.00 Док. сериал "Анималия".
15.30 Док. сериал "Секреты кино".
16.00 Фильм "МАЛЕНЬКИЕ ГЕРОИ-3".
17.55 Фильм "КОНВОИРЫ".
20.30, 2.00 Док. сериал "На пределе".
21.00 Сериал "ВОРОВАКА".
22.00 Фильм "КОРОЛЬ

10:15 Шоу-программа группы "Несчастный случай".
11:05 ПРЕМЬЕРА. "МИР ДРАКОНОВ".
13:20 "ДИКИЙ МИР".
13:55 РОЖДЕСТВЕНСКАЯ ПРЕМЬЕРА. "ЩЕЛКУНЧИК".
15:20 Фильм "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ ЛЕДИ".
16:20 "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ ЛЕДИ" (окончание).
19:30 "ПЕРВАЯ НОЧЬ С ОЛЕГОМ МЕНЬШИКОВЫМ".
22:05 Фильм "МАЖЕСТИК".
0:40 Фильм "ОПАСНЫЕ СВЯЗИ".
2:40 Комедия "ЗАМОРОЖЕННЫЙ".
4:00 "СЕГОДНЯ".
4:15 "Здоровый такой крокодил".
5:15 ПРЕМЬЕРА. "ОДИССЕЯ - 5".

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Сериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ".
10.00, 10.30 Мультипликация.
11.00 Ток-шоу "Моя семья".
12.00 Ток-шоу "Большая стирка".
13.00 Фильм "СТАРАЯ, СТАРАЯ СКАЗКА".
15.00, 20.00 Док. сериал "Анималия".
15.30 Док. сериал "Секреты кино".
16.00 Фильм "КОРОЛЬ ВОЗДУХА-3: ЛИГА ЧЕМПИОНОВ".
17.50 Фильм "БОГУС".
20.30, 2.00 Док. сериал "На пределе".
21.00 Сериал "ВОРОВАКА-2". 1-я серия.
22.00 Фильм "КОРОЛЬ ВОЗДУХА-4: ЗВЕЗДНАЯ СЕМЕЙКА".
0.00 Фильм "РОЖДЕСТВЕНСКАЯ МИСТЕРИЯ".
2:30 Фильм "СВИДЕТЕЛЬ".

ДТВ

9.30 Мультифильмы.
10.55 Телемагазин.
11.30 "На бульваре с Отаром Кушанавиловым".
11.55 Фильм "СЕМЬЯНИН".
14.15, 15.15 "Звездная семейка".
16.20 Мультифильмы.
17.45 Кино "ГОЛУБОЙ КАРБУНКУЛ".
20.00 Шоу рекордов Гиннесса.
21.00 Шоу рекордов Гиннесса.
22.00 Шоу рекордов Гиннесса.
23.00 Фильм "ПЕРЕКРЕСТКИ МИРОВ".
1.15 Эротическая программа "Голая правда".
2.30 "Сексуальные соседки".
3.10 Шоу Джерри Спрингера.

ТНТ

5.55 "КАК ВЫЙТИ ЗА-уза".
22.20 "Я, снова я и Ирэн", комедия

СТС

8.00, 8.25, 8.50 Мультифильмы.
9.15 "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ТОМА СОЙЕРА И ГЕКЛЬБЕРРИ ФИННА".
10.30 Мультифильмы.
11.00 "БЕСКОНЕЧНАЯ ИСТОРИЯ". Сериал.
12.00, 12.30 Мультифильмы.
13.35 Кино "ЭЙС ВЕНТУРА. РОЗЫСК ДОМАШНИХ ЖИВОТНЫХ".
15.25 Кино "ЭЙС ВЕНТУРА. КОГДА ЗОВЕТ ПРИРОДА".
17.20 "Прогулки с динозаврами".
18.00 Мультифильм.
18.30 Скрытая камера.
18.45 Кино "ЛЕТИТЕ ДОМОЙ".
20.55 "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ. МЕНТЫ-4".

МУЖ ЗА ШЕФА". Комедийная мелодрама.
7.40 "НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ". Сериал.
8.30 "Фигли-Мигли".
9.00 "Завтрак с Дискавери".
10.00 Мультифильм.
10.50 "ГОСТЬЯ ИЗ БУДУЩЕГО". Фантастический сериал.
12.15, 13.10, 14.10 Мультифильмы.
14.30 "МЕСТЬ И ЗАКОН". Комедийный боевик. Индия.
16.00, 21.00, 23.55 "Дом-2. Зимовка".
17.00 "САША + МАША". Комедия.
17.30 "САША + МАША". Комедия.
18.00 "САША + МАША". Комедия.
18.30 "САША + МАША". Комедия.
19.00 "САША + МАША". Комедия.
19.30 "САША + МАША". Комедия.
20.00 "Дом-2". "Влюблен по собственному желанию".
22.00 Комедия "АМАР, АКБАР, АНТОНИ". Индия, 1-я серия.
0.20 "СМЕШНЫЕ И ГОЛЫЕ".
0.50 "КАК ВЫЙТИ ЗАМУЖ ЗА ШЕФА?" Мелодрама.

СТС

8.00, 8.25, 8.50 Мультифильмы.
9.20 "ПРИКЛЮЧЕНИЯ ТОМА СОЙЕРА И ГЕКЛЬБЕРРИ ФИННА".
10.30 Мультифильм.
11.00 "БЕСКОНЕЧНАЯ ИСТОРИЯ". Фильм.
12.00, 12.30, 12.55 Мультифильмы.
13.30 Кино "РОЖДЕСТВО КАЖДОГО ДНЯ".
15.30 Кино "Я БУДУ ДОМА К РОЖДЕСТВУ".
17.20 "Прогулки с динозаврами".
18.00 Мультифильм.
18.30 Скрытая камера.
18.50 Кино "СНЕЖНЫЕ ПСЫ".
20.55, 3.30 "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ".
23.00 Кино "КАК СТАТЬ ПРИНЦЕССОЙ".
1.30 Кино "ПЕВЕЦ НА СВАДЬБЕ".
5.10 Кино "КАК ЗАКОНЧИТЬ ШКОЛУ".

7 ТВ

7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 13.30, 14.30, 15.30, 16.30, 17.30, 18.30, 19.30, 20.30, 21.30, 22.30, 23.30, 0.30, 4.00, 5.00, 6.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 2.00 Новости 7.
12.30, 1.30, 2.30, 3.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.10, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
15.10, 22.10 Звезда автострады.
17.10, 19.10 Специальный репортаж.

ТНТ, пайшанба 14. 25 Бадийий фильм. "КАСОС ВА-КОНУН" (МЕСТЬ И ЗАКОН)

Товла-м а ч и Виру ва Жай катта пул эвази-га хайрли иш қил-мо қ ч и бўлиша-ди. Улар кишлоқни хавфли қарқичлардан қутқариш учун кура-шишлари керак...

Режиссёр: Рамеш Сиппи. Ролларда: Дхамендра, Хема Малини, Санджив Кумар, Амиабх Баччан.



СТС, жума 21.30. Мелодрама. "ҚЎШИҚЧИ ТЎЙДА" ("ПЕВЕЦ НА СВАДЬБЕ")

Кичик бир шаҳарда яшовчи Робби тўйларда қўшиқ айтади, мафтункор ва ёқимли қиз Жулия эса официантка. Ҳар икковининг қаллиғи бор. Робби қаллиғи билан 6 йилдан бери учрашиб юради. Жулиянинг йигити Глен эса 4 йилдан бери унга уйланишни ваъда қилади. Лекин улар ҳаётлари бир-бирларига боғламоқчи...

Ролларда: Адам Сэндлер, Дрю Бэрримор, Кристин Тэйлор, Аллен Коверт, Мэттью Глэйв ва бошқалар.

РТР, шанба 20.30. Жангари фильм. "АЖАЛ ҚУ-РОЛИ" ("СМЕРТЕЛЬНОЕ ОРУЖИЕ")

Икки полици-и я ч и н и н г бошқа биров билан бирга ишлашга тоқатлари бўлмади. Бироқ уларнинг шериклиги ҳаётий муҳим бўлади. Навбатдаги котилликни текшириш ва суриштириш давомида уларни халқаро гиёҳвандлик тўдаси билан аёвсиз кураш олиб боришга ундайди. Пировардида иккови шерик бўлиб ишлайдилар.

Ролларда Мел Гибсон, Дэнни Гловер, Гэри Бюзи ва бошқалар.

ТВ 3, якшанба 11.00 Бадийий фильм. "ЭНГ КАДИМ-ГИ ЭРТАК" ("СТАРАЯ, СТАРАЯ СКАЗКА")

Эртақчи бефайз ва зерикарли дунёда яшайди. У эртақ тўқийди ва ўзи аскар образида чақмоқтош топиб олади ва унга сеҳргар ёрдам беради. Аскар тантиқ, инжиқ маликани севиб қолади. Лекин у зодагонларга хос равишда аскарни ўзига муносиб кўрмайди...

Ролларда: Олег Даль, Георгий Винцин, Владимир Этуш.



СПОРТ+ФУТБОЛ



Бўладиган бола — бошидан маълум де-йишади. Зеро, ҳали мурғаклигидаёқ ҳаракатлари, чақноқ кўзлари билан одамлар диққатини ўзига тортадиган гўдаклар ҳам бўлади. Уларни тарбиялаш, имкон яратиш керак.

Хуршид Тошпўлатов 1994 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У ҳали мактаб бўсағасига қадам қўймасданоқ “Булоқча” ҳавзасида сузиш сирларини ўргана бошлади. Сўнг каратэ билан шуғулланишга аҳд қилди. Шу мақсадда пойтахтнинг Чўпон ота мавзесида жойлашган “Ёш куч” спорт клубига қатнай бошлади.

ХУРШИДНИНГ ИЛК ЮТУҚЛАРИ

– Илк машғулотлариданоқ у ўзини кўрсатди. Тавсия этилган барча усулларни кунт билан ўрганди. Тенгқурлари орасида абжирлиги, чаққонлиги, иродалиги билан ажралиб туради. Ишонманки, агар Хуршид ўз устида шу тахлит ишлашни давом эттирса, келажакда ундан яхши спортчи чиқади, – деди устози Жамшид Қобулов.

Кези келганда клуб ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Айни кунларда клубнинг Андижон, Наманган, Қўқон ва Бекобод шаҳарларидаги филиалларида 1000 дан ортиқ болалар ва ўсмирлар каратэ билан машғул. Улар орасида республика ва халқаро турнирлар голиблари анчагина. Клубнинг Тошкент бўлимида шуғулланаётган болаларнинг 30 дан ортиги қора белбоғ соҳибларидир. Клуб президенти Фозил Худойназаров (4-Дан қора белбоғ соҳиб) болажонларнинг маҳоратларини оширишлари учун барча имкониятларни

яратиб бермоқда. Унинг ташаббуси билан 2002 йилдан бошлаб “Ёш куч” клубининг очиқ чемпионати ўтказиб келинмоқда. 2003 йилнинг январь ойида ўтказилган баҳсларда оқ белбоғлилар таснифида Хуршид ҳам илк бора иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Шундан сўнг у Наманган, Бекобод, Қўқон, Қарши ва Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган турнирларда қатнашди.

Шу йилнинг 17-18 январь кунлари Қозоғистон, Тожикистон республикаси ҳамда мамлакатимиз шаҳарларидан 22 жамоа иштирокидаги турнирларда рангли белбоғлар таснифида Хуршид ўз маҳоратини тўла намоён этиб, турнир голибига айланди.

Табиатан хушчақчақ бўлган қахрамонимизнинг дадаси Абдурахим ака шундай ҳикоя қилади:

– Ўғлим жанг тугагач, яккураш қондасига кўра томошабинларга таъзим бажо

келтириб, тўғри мен томон юриди. Бағримга босиб, нимадир демокчи эдим, лекин у илдамлик қилди: – Ада, биринчи ўринни олсам ҳам бўларкан-ку!

Ота ўғилнинг лутфи бежиз эмасди. У шу пайтгача кўпгина мусобақаларда финалгача етиб келса ҳам, шохсупанинг юқори погонасини ҳеч забт этолмаган эди. Илк доvon орда қолди. Хуршид ўзини шу пайтгача таъқиб қилаётган руҳий тўсиқни ошиб ўтди.

Яқинда Бухоро шаҳрида якунига етган каратэ бўйича Республика турнирида Хуршид Тошпўлатов яна энг кучли эканлигини исботлади.

– Энг катта орзуим Ватаним шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилиш, – дейди Хуршид. Бу ниятимни амалга ошириш учун ўз устимда кўп ишлашим керак. Қолаверса, мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиб, ота-онам орзу қилгандек инсон бўлиш.

Абдулҳай ЮНУСОВ.



МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ «МАШЪАЛ»ГА ЎТДИ!

Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов келаси мавсумда Муборакнинг “Машъал” жамоаси таркибида ўйновчи-мураббий сифатида тўп суради. ОАВда бу ҳақдаги хабарлар бир ой олдин маълум қилиниб, ҳали унда Миржалол шартномага имзо чекмаганди.

Куни кеча жамоада йиғилиш ўтказилиб, унда Миржалол Қосимов ҳамда жамоа бош мураббийлигига таклиф этилган Виктор Жалиловлар футболчиларга таништирилдилар. Миржалол Қосимовнинг “Машъал” билан шартномаси бир йилга имзоланган.

ШИШЕЛОВНИ «ХИМКИ» КУТМОҚДА!

Бу йилги мавсумнинг иккинчи декабридан бошлаб, “Пахтакор” таркибида тўп сурган терма жамоамиз ҳужумчиси Владимир Шишелов айни пайтда Россия биринчи дивизиони вакили “Химки” сафида мураббийлик кўригидан ўтмоқда. Хабарингиз бор, ушбу жамоада яна бир ҳужумчимиз Александр Гейнрих ҳам машғулотларда қатнашмоқда. Бундан ташқари “Кимёгар”нинг собиқ футболчиси Илья Тепгин ҳам “Химки” аъзоси ҳисобланади. Демак, келаси мавсумдан уч легионеримиз “Химки” жамоаси сафида ўйнаши мумкин.



РАВШАН ЭРМАТОВ – МДХ ЧЕМПИОНЛАРИ ТУРНИРИДА

Ҳали ёш бўлишига қарамасдан, бир қатор халқаро учрашувларни бошқаришга улгурган мамлакатимизнинг иқтидорли ҳакамларидан бири Равашан Эрматов Финландияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати баҳсларида, Хитойда яқунланган Осиё чемпионатида ўз тажрибасини оширишга эришди.

Келаси йил ҳам Равашан бир қатор йирик мусобақаларда қатнашиши кутилмоқда. Янги йилдаги дастлабки ҳакамликни у 14-23 январь кунлари Москва шаҳрида ўтказиладиган МДХ чемпионлар турнирида бошлайди.

ФИФА РЕЙТИНГИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ

1994 йилнинг 16 июлида ФИФАнинг тўлақонли аъзосига айланган мамлакатимиз миллий терма жамоаси учун яқунланаётган йил ниҳоятда омадли келди. Вакилларимиз дунёнинг энг кучли 50 терма жамоаси қаторидан жой олди. Яқинда эълон қилинган ФИФАнинг якуний рейтингига кўра, терма жамоамиз 47-ўринни эгаллади.

Таъкидлаш жоизки, вакилларимиз МДХ мамлакатлари орасида иккинчи (Россиядан кейин) ўринни банд этди. Йил бошида 81-ўринда бораётган терма жамоамиз якунда 34 поғона юқорига кўтарилди. Бундай ютуқларни қўлга киритишда футболимиз раҳбарларининг, мураббийларнинг, футболчиларнинг ўрни, хизмати беқиёс. Йил давомида Ўзбекистон футбол федерациясида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бош мураббий Равашан Ҳайдаровга маслаҳатчи мураббий сифатида ёрдам берган Юрген Гёде томонидан қўлланилган ўйин услублари ўз натижасини кўрсатди. Ироқ, Саудия Арабистони, Баҳрайн каби қитъанинг кучли терма жамоалари билан кечган шиддатли ўйинларда вакилларимиз иродаларини тўла намоён этдилар. Осиё чемпионати, Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида муваффақиятли қатнашишди.

Келаси йил эса терма жамоамизни ўта масъулиятли ўйинлар кутмоқда. Умид қиламизки, терма жамоамиз бу синовлардан муваффақиятли ўтиб, Германияда бўладиган Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритадилар.

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (қисқартириб берилмоқда)

1. Бразилия	843	100. Литва	472
2. Франция	792	103. Вьетнам	457
3. Аргентина	785	104. Грузия	455
4. Чехия	777	105. Ливан	448
5. Испания	765	112. Сингапур	435
6. Голландия	758	113. Озарбайжон	432
7. Мексика	753	114. Молдова	429
8. Англия	752	119. Арманистон	402
9. Португалия	747	120. Малайзия	401
10. Италия	738	124. Яман	381
17. Япония	707	126. Фаластин	379
20. Эрон	697	132. Ҳиндистон	365
22. Ж. Корея	688	133. Гонконг	361
28. С. Арабистони	665	136. Тожикистон	351
40. Иордания	611	139. Мальдив о-ри	335
44. Ироқ	603	140. Шри-Ланка	333
47. ЎЗБЕКИСТОН	598	144. Мьянма	322
49. Баҳрайн	594	147. Қозоғистон	313
54. Хитой	585	150. Қирғизистон	293
54. Қувайт	585	155. Хитой Тайпейи	259
56. Уммон	582	162. Лаос	230
57. Украина	580	167. Бангладеш	217
65. Латвия	560	177. Непал	168
66. Қатар	558	177. Покистон	168
69. Белорусь	554	184. Камбоджа	124
79. Таиланд	526	185. Мўғилистон	120
81. Эстония	525	187. Бутан	97
82. БАА	523	188. Макао	92
85. Сурия	516	188. Филиппин	92
91. Индонезия	504	199. Бруней	63
95. КХДР	481	200. Афғонистон	57
98. Туркменистон	478	205. Гуам	15

Sportlotto

1970 йилдан берга lotereyasi

152-ТИРАЖ
29.12.2004

114436 чипта 197505 вариантда
иштирок этди.

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

18

2

8

9

11

25

6 та рақам — йўқ.

5 та рақам — 22 чиптанинг 23 вариантыда тўғри топилган. Уларнинг ҳар бирига 68697 сўмдан берилади.

4 та рақам — 694 чиптанинг 742 вариантыда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 4259 сўмдан берилади.

153-тираж учун

ЖЕК ПОТ 62.083.616 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси

Хикоя

31 декабрь. Бугун янги йил киради. Бу кеча ҳар йил такрорланади. Лекин ҳар гал Фариданинг ёдига ўша кечани солади.

Ўшанда 19 ёшда эди. Ҳаётдан завқланиб, орзулардан энтикиб яшаётган палласи. Фаридани Тошкент Давлат Иқтисодий университетининг 3-курсидан ўқирди. Сурхондарёлик талабалар янги йил базмини ташкиллаштиришаётганмиш деган гап тарқалди. Байрамдан бир кун олдин юқори курсдаги қизлар таклифнома беришди. Табиатан анча тортинчоқ бўлгани учун Фариданинг байрамга боргиси йўқ эди. Аммо биринчи курсдан бери бирга ижарада турадиган курсдош дугонаси Зебо уни фикридан қайтарди. Ўйин-кулгино ўтиришлар жони-дили бўлган Зебонинг: "Ахир, талабалик даври ганимат, бир умр эса қолади. Янги йилни хурсандчилик билан кутиб олсанг, йил давомида хурсанд бўлиб юрасан", — деган гаплари Фаридани кечага боришга ундади.

Дугоналар байрамга атаб кўйлак харид қилишди, гўзаллик салонига кириб сочларини турмаклатишди, ўзларига оро беришди. Тақдир ато этган оху кўзлару тим қора қошлар, сунбул сочлару нозик қомати янада гўзаллашган Фаридани худди қор парчаларидек йил-йил қиладиган оппоқ кўйлақда маликага айланди-қолди. Айниқса, янги йил оқшомига кириб борганида барчанинг нигоҳи унга қадалганини сезди. Бундан хижолат бўлган Фариданинг юзлари қизариб, бир чиройига иккисини кўшди.. Ҳатто ўзларини хурлиқоман деб юрган қизлар ҳасад ҳам қилишди унга. Ҳар доим дугонасини шўхлиги учун койиб юрадиган Фаридани бугун унинг шаддодидиган хурсанд бўлди. Чунки Зебо ҳазил-ҳузил гаплари билан уни ноқулай ҳолатдан қутқарди.

Базм авжига чиқди, ҳамма байрам кайфиятида. Кимдир тилак билдирмоқда, кимдир қорин ғамида, яна кимдир берилиб рақсга тушмоқда. Шунда кечани олиб бораётган йигит барчани жойига ўтиришини сўради.

— Энди мен халқаро иқтисодий алоқалар факультетининг 4-курс талабаси Эддордан бир дилрабо кўшиқ айтиб, барчани Янги йил билан табриклашини сўрайман, — деди у.

Гулдурас қарсақлардан қулоқлар қоматга келди. Гитара кўтарган йигит даврага чиқди. Баланд бўйли, кенг елкали, бугдойранг бу йигитнинг кийимлари ўзига жуда ярашган эди. Таққан галстути ҳам костюмига жуда мос тушган. "Ўта дидли экан", деб ўйлади Фаридани. Йигит гитарасини созлаб туриб Фариданига нигоҳ ташлади. Бу қарашдан ўзини йўқотаётган қиз кўзларини ергатикди. "Наҳотки, қараганимни сезиб қолди? Менга нима бўляпти ўзи? Нега унга эътибор беришман?" Гитаранинг ёқимли оҳанги Фариданинг хаёлларини чалғитди.

Ёр васлига етишмоқ бўлди менинг армоним

Севги саҳросида ташлаб кетди мени карвоним...

Энди Фариданинг бутун вужуди қулоққа айланди. Бу овоз уни сеҳрлаб кўйганди гўё. Фақат шодон қийқириқлар уни ўзига келтирди. Фаридани ўзининг ҳолатини тушунмасди. Наҳотки... йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Энди у ўзини ичида койиб бошлади. Ўзидан ўзи уялди, кетишга шайланди. Ҳали ҳеч ҳам кетиш нияти бўлмаган дугонасини зўрлаб ташқарига етаклади.

— Нега дап-дурустан кетаманга тушиб қолдинг, ахир, ҳали ҳеч ким қимирлагани йўқ-ку? Байрам энди қизиган бўлса, уйимиз яқинку, жон ўртоқжон, яна озгина ўтирайлик, — дея яливарди Зебо.

— Унда ўзим кетаман, —

мади. "Ҳамма йигит бир, турмуш курсанг кўникасан. Отанг икки дунёда ҳам бошқа жойга узатмайди. Йигит ҳам ёмон эмас, ичмас экан, чекмас экан", — деди она. Бу гаплардан хабар тошган Эддор ҳам дунёга сифмай кетди.

Тақдирга тан бермай иложи йўқ. Отасининг феълени жуда яхши билган Фаридани ўзида куч топди. У Эддор билан "уришиб" қолди. Ўзини янглишган қилиб кўрсатди унга. Бўлажак турмуш ўртоғи билан учрашганини, ёқтириб қолганини айтди. "Агар мени севсангиз тинч кўйинг, — деди. Кейин хонасига кириб юм-юм йиғлади.

Ахири тўй бўлди. Аммо она адашган эди. Ўша ичмайдиган, чекмайдиган куёв уни тўрт деворнинг ичига қамаб қўйди. Фариданинг магистратурага кириш орзуси ҳам хомхаёл

едиролмади, кийдиролмади. Яхшиямки, ота-онаси уни топиб келишди, афсус қилишди. Қизларининг олдига ўзларини айбдор сезишди. Эри диний-экстремистик оқимга кўшилиб қолганлиги, чет элга чиқиб кетаётганда қўлга тушганлигини айтиб беришди.

Ҳаёт давом этарди. Фаридани илмий ишни тугатиб олди. Бу вақт давомида у кўп бор Эддорни эсга олди. Ўшанда сўнги учрашувида Фариданига "Мени ҳеч ҳам эсламанг. Чунки сиз ҳаётда қийналмаслигингни истайман", деган эди.

Мана яна Янги йил кириб келди. Бу йил у Янги йилни янги уйда кутиб олмоқчи. Ота-онаси, Зебо келишади. Янги йилни қадрдонлар билан кутишга нима етсин. Шу хаёллар билан бозор-ўчар қилиб келаётган Фаридани йўлақда ҳали

Нигоҳлар тўқнашди, мезбоннинг ташрифи учун ўрнидан турган меҳмон ҳам, саломлашишга оғиз жуфтлаган мезбон ҳам қотиб қолдилар!

"Наҳотки, наҳотки бу Фаридани? Кўзларимга ишонмайман", ўйлади мезбон.

— Ие, сиз бир-бирингизни танийсизми? — деган овоз бузда сукунатни.

— Ҳа, ҳа, ахир бу курсдошим-ку, — деди Эддор.

— Ҳа, уйда Зебо ҳам бор, — деди шошилиб, ҳали титроғини босолмаётган Фаридани.

— Ростданми? Ҳозир уни ҳам олиб чиқаман, — дея шошиб чиқиб кетди Эддор.

— Қаранг-а кўшни, ҳаёт қизиқ-да, боя нолиган шу эрим курсдошингиз эканлигини сира ўйламабман, — сир бой бермай деди аёл.

Ташқарида Зебонинг "Ишонмайман, бўлиши мумкин эмас" деган қийқириғи эшитилди. Курсдошлар янги йилни бирга кутишди. Тун яримлаб борарди. Эддор талабалик йилларини эслаш учун Зебонинг турмуш ўртоғидан рухсат сўраб, курсдошларини тунги сайрга олиб чиқди.

Улар ташқарига чиқишганида ер оппоқ қор билан қопланган эди. Зебо бир оз орда...

— Фаридани, — Эддорнинг овози тушқун чиқди. — Мен ҳаммасини эшитдим. Яқинда холагизни учратиб қолдим. У менга бошингиздан ўтганларнинг ҳаммасини айтиб берди. Сизсиз жуда қийнадим. Ҳаётимда маъно йўқ. Оилам ҳам, касбим ҳам татимаяпти. Фақат аламимни ичкиликдан оламан. Қаранг, қанча янги йиллар ўтиб, ҳаёт бизни яна Янги йил кечасида учраштирди. Келинг, ҳаммасини бошқатдан бошлайлик.

— Йўқ, адашдингиз, — деди Фаридани. — Аввал ҳаммаси бошқача эди, ҳаммаси олдинда эди. Энди кеч, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Мен ўз бахтимни хотинингизнинг бахтсизлиги эвазига топишни умуман истайман. Мен сизнинг оилангизни муҳаббатимиздан устун қўяман. Мана, Зебонинг ёрдами билан ҳаётимни бошқатдан қурдим. Бу ёнғига... сизга ўхшаган бир инсон учраса, унинг ёрдами билан оиламни ҳам бошқатдан қурарман... Сиз, яхшиши, ичкиликни ташланг...

Фаридани бир пас жим қолди. Кейин дабурустан хайрлашиш учун қўл узатиб деди:

— Тақдир ўзига юзлаштирган аёлни бахтли қилолмаган эркак бошқани ҳам бахтли қилолмайди. Сиз эса ундайлاردан эмассиз.

Эртаси кунни кўшни аёл яна эшик қоқди. У янги битган ҳовлига кўчиб кетишаётганини, эри ичмасликка сўз берганини суюниб гапирар экан. Фариданига деди:

— Сизни албатта меҳмонга чақираман!

— Насиб этса кўришамиз, — деди Фаридани. Кўзларидан сирқираб ёш чиқди.

Бу оиланинг бундан буёнги бахти, аҳилиги унинг Эддор билан қайтиб учрашмаслигига боғлиқлигини жуда яхши тушуниб турган Фаридани меҳмон кетгач, ортидан эшикни овозсиз, аммо қаттиқ ёпди...

Матлуба ШУКУРОВА.

МУҲАББАТДАН

УСТУН
ҲИСССИЁТ

зарда қилди Фаридани.

— Сенсиз ўтирардим, — дея ноилоҳ иссиқ кийимларини кия бошлади Зебо. Шу пайт қизларнинг ёнига Эддор келиб, кузатиб қўйишга рухсат сўради. Эддор ёнгинасида турганидан оёқлари дир-дир титраётган Фариданинг тили айланмай қолди.

— Сукунат — розилик аломати, демек кетдик!

Қизларни кузатиб қўйган Эддор қайтиб базмга бормади. Тўғри хонасига бориб, хаёл суриб ётди. Шу кеча Фаридани ҳам ухлолмади. Эддор энди турли баҳоналар билан тез-тез келиб турадиган бўлди. Зебо билан Эддор ўртасида бўладиган суҳбатлар, қизқарли баҳсларга аста-секин Фаридани ҳам аралаша бошлади. Эддор Фариданинг табиий гўзаллигидан, хулқидан, ибосидан, пазандаю ақллигидан суюнардди. Ана шундай кунларнинг бирида Эддор янги кўшигини куйлади.

"Фаридун, Фаридам, фариштам..."

Энди улар бир-бирига талпинаётган икки қабл эди. Аҳду паймон, орзу-ҳаваслар... Бунчалар завқли бу ҳаёт! Шу завқ билан яна Янги йил кириб келмоқда. Фаридани бу йил байрамни Сурхондарёда кутмоқчи. Бормаса бўлар экан ўшанда. Тошкентга хомуш бўлиб қайтди. Уни унаштиришмоқчи эканликларини айтишди. Фариданинг Зебо орқали онасига тушунтиришлари ҳам қор қил-

бўлди. Аёл киши уйда ўтириб эрининг хизматини қилиши керак, дипломинг бир пул деди. Фаридани ҳаммасига кўнди. Ўғилчасига бўлган меҳри билан ўзини овутиб яшади. Лекин эрининг охириги хоҳиши Фариданинг жонидан ўтиб кетди. Энди у кўнолмади. Ўзини хўрланган, қадрсизланган ҳис қилди. Бу гал эри уни талоқ қилиб, бошқа бир ўртоғига никоҳлаб бермоқчи эканини, ўзи чет элга жўнаб кетаётганини айтди. Фаридани жим туриб эшитди. Нафрат ўтида ёнса ҳамки ўзини қўлга олди. Уч йил олдин ўз севгисидан кечишда қандай роль ўйнаган бўлса, бугун ҳам шундай қилди. У бу гал ҳам эрининг кўзига розидек бўлиб кўринди. Эрта туриб ҳар галгидек уй юмушларини қилди. Ўғли Комронбекни боғчага олиб бораман деб кўчага чиқди. Лекин боғчага эмас, тўғри Тошкентга отланди.

Зебо Тошкентда яшарди. Улар тез-тез хат ёзишиб турардилар. Фаридани тўғри уикига келди. Зебо дугонасини кўриб кўзларига ишонмади, суюнганидан юраги ёрилаёзди. Аммо тонг отгунча суҳбат қуришиб воқеани билгач, жуда хафа бўлди. Фариданига ачинди. Фаридани Тошкентда қоладиган, ўзи ўқиган университетдаги устозлари ёрдамида ишга жойлашадиган бўлди. Зебо унга моддий кўмак бериб турди. Тўғри, бошида у ўғлини яхши

яқин танишиб улгурмаган кўшни аёлни кўриб қолди. Уни чойга таклиф қилди. Кўшни аёл эшикдан кириши билан эрдан нолий бошлади. Эри катта лавозимда ишлагани учунми кўп ичишидан, оиласига совуқлигидан куйиниб гапирарди. Фаридани жим ўтириб тингларкан, Янги йилда оиласига тотувлик, эрига инсоф тилашига ундади аёлни.

— Гап-сўзингиз ҳам ўзингиздек чиройли экан. Ўқимишли, тушунган аёл кўринасиз. Сиз билан ўтириб кўнглим ёришди. Мана, мен сизникида меҳмон бўлдим. Энди кечкурун сиз бизникига чиқинг, Янги йилни бирга кутамиз. Агар чиқмасангиз ўзим тушиб олиб чиқаман, — деди кулиб аёл.

— Хўп, хўп. Янги йил барчамизга яхши йил бўлиб келсин, — деб хайрлашди Фаридани.

Кеч кирди. Фариданинг уйи меҳмонлар билан тўлди. Тилаклар қадаҳларга, қадаҳлар рақсларга уланди. Зебо ўша жозибали рақслари билан барчани шод қилди. Шу пайт эшикдан бояги кўшни кирди. Барчани табриклагач, Фаридани кўярга-қўймай уйига олиб чиқди. Ҳашамдор хоналар, тўкин дастурхон, боя аёл айтганидек уй эгаси мансабдор эканлигини кўрсатарди. Фаридани уй жиҳозларига маҳлиё бўлиб ўтирган эди, бир талай совға-саломлар билан кириб келган хонадон эгаси тўғри меҳмонхонага юрди.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

Маълумки, кишининг соғлиги қандай бўлиши турмуш тарзидан ташқари ирсиятга, шунингдек, қайси бурж остида туғилганига, муҷал ҳисоби бўйича қайси йил келганига ҳам боғлиқ. Қуйида янги йилда саломатлигиниз қандай бўлиши борасида мунажжимлар башоратини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЯНГИ ЙИЛДА

САЛОМАТЛИГИНГИЗ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

КҮЙ. Йил бошида куч-ғайратингиз тўлиб тошади. Доимо шундай тетик - бардам бўлишингиз ўзингизга боғлиқ. Аввало, маишатбозликка берилманг, нафсингизни тийинг. Ичкилик бошда кайфиятингизни кўтаргани билан кейинроқ таъбингизни тирриқ қилиши, ҳатто бебошлигингизга сабаб бўлиши мумкин. Келаётган йилда хусусан бошингизни асранг. Айни пайтда чекиш, ичиш каби зарарли одатларингизни ташлашингиз учун қулай мавсумдир. Фурсаддан фойдаланинг. Акс ҳолда кейинги имкониятни узоқ қутингизга тўғри келади.

Юрак-қон томир хасталигига чалинганлар ўз вақтида даволансин. Бўлмаса, касаллигингиз қутилмаганда кўзгаб қолиши мумкин. Ёнингизда доимо зарур дори бўлсин. Айниқса, февраль март ва октябрь ойларида ўзингизни асранг. Чунки шу ойларида организмнинг бўшашиб, қаршилиқ қобиляти пасаяди.

СИГИР. Доим тетик-бардам бўлай десангиз йил бўйи кунига ҳеч бўлмаса 5-10 дақиқа бадантарбия билан шуғулланишни қанда қилманг. Очиқ ҳавода кўп айланинг. Айни пайтда совуқ тушганда томогингиз ва оёгингизни иссиқ сақлашни унутманг. Умуртқа поғонангиз оғриб турса, эътиборсизлик қилманг, дарҳол шифокорга кўрининг.

Остеохондроз, радикулит каби хасталиклар нималигини ҳали билмайдиганлар ҳам беғам бўлишмасин. Оғир юк кўтаришдан эҳтиёт бўлишингиз. Йилнинг иккинчи ярмида турли касалликларга чалинишдан сақланинг. Айниқса, компьютерда ишлайдиганлар дам олиш учун вақт топишсин. Акс ҳолда бош оғриғи, уйку бузилиши, ҳолсизланишдан азият чекишади.

Январь охири, февралнинг биринчи ярми, июль ва ноябрда ўзингизни жисмонан ва руҳан толиқтирманг. Шу ойларида организмнинг ички қуввати камайиб, ҳар қандай инфекция осонгина юқиши мумкин. Хусусан, ҳаво орқали касаллик юқиш эҳтимоли юқори. Шунинг учун кўпроқ асал, малина мураббоси, саримсоқпиез истеъмол қилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Товуқ йилида, айтиш мумкинки, саломатлигингиз жойида бўлади. Фақат бунинг учун ўзингиз соғлигингизга зиён етказадиган ишлар билан шуғулланманг. Ичкиликка ружу қўйманг. Айниқса, қон босмингиз юқори бўлса, асабийликка мойил бўлсангиз. Қиш-баҳор мавсумида кўча-кўйда эҳтиёт бўлинг. Шахсий транспортдан фойдаланувчилар январь ойида ҳушёрликларни оширсинлар. Йил бошида ўткир тигли анжомлардан, оловдан фойдаланишда ҳам эҳтиёт бўлинг. Гастрит, ошқозон-ичак яраси хасталиги билан оғриганлар тўғри овқатланишга ва ўз вақтида керакли дори-дармонларни қабул қилишга эътиборли бўлишсин. Чунки куз фаслида сурункали хасталигингиз

кўзгаши эҳтимоли бор. Ҳазми қийин таомлар тановул қилмасангиз, арзимас нарсаларга асабийлашмасангиз, бунинг олдини оласиз.

Кексалар оёқларини, хусусан тизза ва товонларини асрашсин. Мабодо оёгингиз безовта қилса, буни об-ҳавога йўйманг, шифокорга мурожаат қилинг. Май ойида оғир юк кўтаришдан сақланинг, куч-қувватингизни асранг.

ҚИСКИЧБАҚА. Қиш-баҳор мавсумида организмнинг чарчаб қолади. Оқибатда шамоллашингиз, турли вирусли касалликларга чалинишингиз хавфи бор. Шунинг учун дармондориларга бой таомлар тановул қилинг, ўзингизни қаттиқ уринтирманг. Май ойида жарроҳлик операцияларидан сақланишга ҳаракат қилинг. Ҳатто парҳезга ҳам ўтмаганингиз маъқул.

Ёзда яхшилаб ҳордиқ чиқаринг. Иложи бўлса сув бўйида дам олинг. Октябрда вирусли касалликка чалинишингиз эҳтимоли бор. Аммо бу оғир оқибатларга олиб келмайди. Мазкур ойда шунингдек, асабларингиз чарчайди. Буни ҳис қилсангиз, тажанг бўлиб қолсангиз, мутахассисга мурожаат қилинг. Шифокор сизга мос дори-дармон тавсия этади. Хуллас, келаётган йилда саломатлигингиз панд бермайди. Шунинг учун кўрқмасдан келажакка мўлжалланган режаларингизни тузаверинг.

АРСЛОН. Янги йилда кўп руҳий ва жисмоний қувват сарфлашингизга тўғри келади. Шунинг учун олдиндан тароқингизни кўриб қўйинг. Сузиш, жисмоний машқлар билан жиддий шуғулланинг. Дармондорилар қабул қилинг. Тоza ҳавода кўп сайр этинг. Тренажёр залига қатнанг. Акс ҳолда уйқусизлик, ҳатто депрессияга чалинишингиз мумкин. Февраль ойида шамоллашингиз ёки вирусли касалликларга чалинишингиз эҳтимоли бор. Эски, унут бўлиб кетган хасталикларингиз ҳам кўзгаши хавфи мавжуд.

Август, сентябрь ойларида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинг. Чунки жароҳат олишингиз эҳтимоли юқори. Машина ҳайдайдиган бўлсангиз ёзинг охири, кузнинг бошида ҳушёрлигингизни янада оширинг. Ҳатто велосипедда уйингизни атрофини айланадиган бўлсангиз ҳам, оғзингизга ақалли пиво ола кўрманг.

Октябрь ва декабрда ишингиз бошингиз

дан ошади. Бу сизни чарчатиб қўйиши мумкин. Яхшиси олдиндан эҳтиёт чораларини кўриб қўйинг.

БОШОҚ. Товуқ йилида саломатлик борасида жиддий муаммоларга дуч келмайсиз. Шундай бўлса-да, организмнингизга кўмаклашиб туринг. Илгари чалинган сурункали касалликларингиз бутунлай йўқ бўлиб кетмаса ҳам, ҳар ҳолда кўзгалмай туради. Шифокорларнинг барча тавсияларига амал қилсангиз, бу хасталиклардан ҳалос бўлсангиз ҳам ажаб эмас. Жисмоний машқлар фойдали, албатта. Аммо биринчи галда тўғри овқатланишга эътибор беринг. Май ойида жароҳат олишингиз хавфи бор – эҳтиёт бўлинг. Шу ойда тош кўтариш, оғир жисмоний меҳнатга қаттиқ берилманг – радикулит ёки остеохондроз ортириб олишингиз мумкин. Хоҳиш ва иложингиз бўлса, икки ҳафта уй-рўзғор ташвишларини унутиб, бирор ёққа бориб дам олинг. Май, август ёки сентябрь ойлари ҳордиқ чиқариш учун қулай.

ТАРОЗИ. Йилнинг биринчи ярмида қаршилиқ қобилятингиз паст бўлади. Шунинг учун организмнингизни мустаҳкамлашга, профилактик чораларга катта эътибор беринг. Ҳолсизлансангиз, бирор-бир касаллик аломати пайдо бўлса, дарҳол ўзингизни текширинг. Хасталикка чалингангиз аниқ бўлса, дарҳол даволанишга киришингиз. Айниқса, январь ойи оғир кечади. Йил бошида ичкиликка берилиш соғлигингизни ёмонлаштириши мумкин. Ноябрьнинг охири, декабрнинг бошларида грипп ва бошқа вирусли касалликларга чалинишингиз хавфи бор. Аммо бир нарсани унутмангки, саломатлигингиз ўз қўлингизда. Эҳтиёт чораларини ўз вақтида кўрсангиз, касалликлар сизни четлаб ўтади.

ЧАЁН. Келаётган йилда саломатлигингиз ўртача аҳволда бўлади. Январь охири ва февраль ойи айниқса, оғир палла. Организмингизни мустаҳкамлаш учун эҳтиёт чораларни кўриб қўйинг, дармондорилар қабул қилинг.

Мартнинг охирида, апрель ойида ичкилик ичишдан сақланинг. Акс ҳолда меъёрни унутиб, ноқулай вазиятларга тушиб

қолишингиз мумкин. Ҳатто жисмоний жароҳат олишингиз эҳтимоли ҳам мавжуд. Ёзнинг иккинчи ярмида ўзингизни асранг. Офтоб уришидан, юқумли касалликлардан эҳтиёт бўлинг.

Кузнинг иккинчи ярмида умидсизликка тушишингиз мумкин. Агар қарши чора кўрмасангиз, бу депрессияга олиб келиши эҳтимоли бор. Шунинг учун тажанглик, уйку бузилишининг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши билан шифокорга мурожаат қилинг. Мутахассис тавсия этган энгил тинчлантирувчи дорилар кайфиятингизни яхшилаб, руҳингизни кўтариши мумкин.



ЁЙ. Деярли йил бўйи соғлигингиздан нолимайсиз. Кўп хасталиклардан ҳалос бўлиш имконияти бор. Бунинг учун шифокорнинг тавсияларига амал қилишингиз зарур, албатта.

Организмингиз ёшариши учун қулай мавсум. Фақат бунинг учун мутахассис билан маслаҳатлашиб ўзингизга мос усулни танлашингиз зарур. Ўзингизни яхши ҳис этиш учун кўпроқ тоза ҳавода айланинг. Ишга бораётганингизда ишхонангиздан 1-2 бекат олдинроқ транспортдан тушиб, бу ёғига пиёда юринг.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Январнинг бошидан то баҳор бошлангунча кўча-кўйда нафақат сирпанчикдан, балки томлардан осилиб турган муз парчалари (сумалаклар)дан ҳам эҳтиёт бўлинг. Қиш ойлари кексаларнинг суякларини, бўғинларини оғрийд. Илгари ҳам шу касалликлардан қийналган бўлсангиз, олдиндан дори-дармон гамлаб қўяверинг.

Февраль ойида, мартнинг биринчи ўн кунлигида организм кучсизлангани сабабли, эски дардларингиз кўзгаши мумкин.

Ёзда ва куз бошларида хасталикка чалинишдан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Октябрда ўзингизнинг эътиборсизлигингиз орқали касалликка чалинишингиз мумкин.



ҚОВҒА. Янги йилда саломатлигингизга алоҳида эътибор беринг. Ҳали юзага чиқмаган ёки сурункали касалликларингиз йилнинг иккинчи ярмида намоён бўлади. Вақтида шифокорга мурожаат қилсангиз, ҳеч қандай муаммо туғилмайди. Меъёридан ортиқ ичсангиз, биринчи галда жигарингиз ва буйрагингизга салбий таъсир қилади. Сентябрьда сифатсиз спиртли ичимликдан заҳарланишингиз мумкин. Хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Январь охири, февраль бошлари саломатлигингизни яхшилаш учун қулай давр. Чанги учинг, чўмилинг, тоза ҳавода пиёда сайр этинг. Апрель охири, май ойида парҳез қилмаганингиз, жарроҳлик операцияларидан иложи бўлса сақланганингиз яхши.

Сарҳил ҳўл мевалар, сабзавот маҳсулотлари истеъмол қилинг. Хуллас, янги йилдан бошлаб соғлом турмуш тарзига риоя қилсангиз, саломатлигингиз жойида бўлади.



БАЛИҚ. Саломатлигингиз ўзингизга боғлиқ. Агар шифокорга дард жонингиздан ўтганда мурожаат қилсангиз, кўп касалликларни оёқда ўтказсангиз, охири йиқилиб қолишингиз мумкин. Шунинг учун грипп, шамоллаш ёки вирусли касалликка чалинсангиз, касалхонага ётиб яхшилаб даволанинг. Иш ўз йўлига. Айниқса, январь ойида эҳтиёт бўлинг.

Май ойида жисмонан кучли, фаол бўласиз. Аммо барибир имкониятингиздан ортиқ юкни элгангизга олманг. Хусусан, меъёридан ошиқ оғир юк кўтарманг. Бу биринчи галда умуртқа поғонаси хасталанган кишиларга тааллуқли.

Июль охири ва августда об-ҳаво ўзгаришлари сизга ёмон таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун иқлими ўзингизга мос жойда дам олинг. Муҳими, соғлигингизга бефарқ бўлмасангиз, ҳеч қандай хасталикдан чўчимасангиз ҳам бўлади.

Турмуш чорраҳаларида

(Давоми. Боши ўтган сонда)

— Ҳали кўраимиз кимнинг айби борлигини. Бу хонадонга қайтаман деб Зебо ўлиб тургани йўқ. Битта боласини елкамизда кўтариб, боқиб оламиз!

Зебо боласини кўтарганича, келинойисига эргашиб чиқиб кетди...

Бирин-кетин ишдан қайтган ота-онаси, сингил ва укалари воқеани эшитиб, ҳайрон бўлишди. Набирасини бир кун кўрмаса чидолмайдиган она қудасининг уйига қўнғироқ қилди.

— Келиб, олиб кетаман деб овора бўлманглар! — гўшакнинг у томонидан танноз келинойининг дағдағали овози эшитилди. — Зебони дўхтирга олиб бориб, экспертиза қилдирдим. Энди ўғлингиз суд олдида жавоб беради...

... Барча тартибқоидалар бажарилгач, суд куни белгиланди.

Суд бошланди. Унда гувоҳ тарзида иштирок этган келинойининг айтишича, у қайнсинглиси, яъни Зебодан хабар олиш учун куёвнинг уйига борса, Зебонинг эри уни қонга белаб ураётган, бечорагининг боши ёрилиб, қон оқиб ётган, ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб кетган экан. Ажратмоқчи бўлса куёв уни ҳам уриб, итариб, уйдан ҳайдамоқчи бўлибди. Қайнсинглиси дод деб унга ёпишиб, "мени олиб кетинг, бўлмаса бу ваҳший ўлдириб қўяди" дебди. Шундан кейин у қайнсинглисини олиб кетишга мажбур бўлибди.

— Уйга боргач, зудлик билан "Тез ёрдам" чақирдим, — йиғламсираб гапида давом этди келинойи. — Шифокорлар Зебони касалхонага олиб кетмоқчи бўлишди. Лекин у боласини ўйлаб, рози бўлмади. Шундан кейин поликлиникадан шифокорлар келиб, унга дори-дармон бериб туришди. Бу ҳақдаги маълумотномани аризага қўшиб топширганмиз.

— Шифокорлар нима учун воқеани ҳуқуқ-

тартибот идораларига билдирмаганлар? — савол берди судья.

— Билмадим... Маҳаллада шов-шув гап бўлмасин деб... Илгарилари урганлиги бўйича ҳам дўхтирнинг маълумотномаси бор...

— Йўғ-е, мен у кишини қаматмоқчи эмасман. Жон опа, ёрдам беринг, у кишини қамашмасин. Ахир, боламиз бор, мени ажралиш ниятим йўқ ундан...

Танаффус тугади. Ҳамма залга йиғилиб, судьянинг ҳукми уқилиши кута бошла-

гиз учун сизнинг ўзингизни жавобгарликка тортишимиз мумкинлигини биласизми?

— Билмай қолдим. Кечиринглар, — келин йиғига зўр берди. — Майли, мени жазоласаларинг ҳам... у кишини қамаманглар.

— Эрингиз-

ни англаб етган Зебонинг феъл-атвори ўша кундан эътиборан бутунлай ўзгарди: у энди илгариги тепса-тебранмас аёл эмас, серғайрат, шўх ва шодон келин эди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у бирин-кетин яна бир ўғил ва бир қизли бўлди. Қайнона-қайнотаси, эри ва унинг яқинларининг энг азиз, сеvimли кишисига айланди. Қайнсингиллари, қайнукаларининг тўйларида "оёғи олти, қўли етти" бўлиб хизмат қилган келинни алқамаган, "келиним шунга ўхшас" дея орзуламаган аёл қолмади.

Дарвоқе, қизларининг бахтини кўрган ота-она ҳам жаҳлдан тушиб, қизлари ва қудалари билан ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетдилар. Ахир, эт билан тирноқни ажратиш бўлармиди?

Фақат танноз келинойигина енгилтаклик билан сал бўлмаса бир оилани хонавайрон қилай деганидан хижолатда. У

Зеболарнинг уйига жуда кам келади. Келса ҳам тезроқ кетиш ҳаракатида бўлади...

Зебога аччиқ ҳақиқатни айтиб, тур-

мушини асраб қолишга сабаб бўлган аёл — ўзи совчиликка борган хонадондаги Зиёда опа эди...

Зебонинг ташвиши тўғри бўлиб чиқди. Малоҳатнинг бувижониси ҳам уларни таниган экан. Фақат Зебо қўрққанидек, "Набирамни бу оилага бермайман", — демабди. Аксинча, "ҳар қандай сув ҳам бир лойқаланиб, тинади. Адашганнинг айби йўқ, қайтиб жойини топса" дейдилар. Набирамни шундай оилага бермасак, кимга беремиз? Бунинг устига ёшлар бир-бирини севса", дебди...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.



«АДАШГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ...»

Икки томоннинг даъво-ю дostonларини тинглаган судья ва маслаҳатчилар "иш"ни хулосалаш учун махсус хонага кириб кетишди.

— Опа, энди нима бўлади? — тасодифан ёнига келиб қолган шу ерда ишловчи аёлдан сўради келин.

— Нима бўларди? Сизга шунчалик жабр қилгани учун эрингизга қонуний жазо тайинланади, — деди аёл унга синовчан тикилиб.

— Қамашармикин? — ҳадиксиради у.

— Балки қамашар...

— Унда мен нима қиламан?

— Ахир сиз умр савдоси, муросаи мадора демасдан эрингизни қаматиш учун судга бергансизку? У қамалади, демак, оилангиз бузилади, болангиз отасиз қолади...

ди. Судья кириб, ҳукми уқимоқчи бўлиб, ўрнидан турганда... даъвогар келин югуриб ўртага чиқди-ю:

— Мени кечиринглар. Мен ёлғон гапирдим. Эримни қамаманглар. У қамалса, боламнинг кўзига қандай қарайман? — дея йиғлаб юборди.

Ҳамма ҳайрон. Келин томон саросимада.

— Шуни билар экансиз, нега ариза ёзиб, ҳамманинг вақтини олиб юрибсиз? — гаши келди судьянинг.

— У кишини қўрқитиб қўясизлар деб...

— Сизни уриб, ҳаммаёғингизни кўкартиргани ҳақидаги маълумотномалар-чи?

— Уларни... уларни кеннойим тўғрилаб бергандилар...

— Шу қилмишингиз — тўхмат ва қалбаки ҳужжат тайёрлаганин-

ни "қўрқитиш"дан мақсадингиз нима эди?

— "Шундай қилсанг, у сенинг айтганингни қилади, чизган чизгингдан чиқмайди" дейишганди. Мен янглишдим, кечиринглар.

— Сизга бу гапни ким айтганди?

— Келинойим...

Ўша кундан бошлаб Зебонинг ота-онаси, яқинлари у билан гаплашмай қўйишди. Суд залида виждони уйғонган Зебо эса ҳамманинг олдида қайнона-қайнотаси, эри ва қайнсингилларидан кечирим сўраб, улар билан бирга кетди. Бўлар-бўлмас гапларга учиб, сал бўлмаса, бахт қушини учуриб юборай дегани-

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят тергов бўлими катта терговчиси, майор Х. Ориповга падари бузруквори

ХАЙРУЛЛО БОБОНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

YANVAR						FEVRAL					
D	3	10	17	24	31	7	14	21	28		
S	4	11	18	25	1	8	15	22			
Ch	5	12	19	26	2	9	16	23			
P	6	13	20	27	3	10	17	24			
J	7	14	21	28	4	11	18	25			
Sh	1	8	15	22	29	5	12	19	26		
Ya	2	9	16	23	30	6	13	20	27		


MART						APREL					
D	7	14	21	28	4	11	18	25			
S	1	8	15	22	29	5	12	19	26		
Ch	2	9	16	23	30	6	13	20	27		
P	3	10	17	24	31	7	14	21	28		
J	4	11	18	25	1	8	15	22	29		
Sh	5	12	19	26	2	9	16	23	30		
Ya	6	13	20	27	3	10	17	24			

MAY						IYUN					
D	2	9	16	23	30	6	13	20	27		
S	3	10	17	24	31	7	14	21	28		
Ch	4	11	18	25	1	8	15	22	29		
P	5	12	19	26	2	9	16	23	30		
J	6	13	20	27	3	10	17	24			
Sh	7	14	21	28	4	11	18	25			
Ya	1	8	15	22	29	5	12	19	26		

2005

SIHAT-SALOMATLIK

YILI



Postda

IYUL						AVGUST					
4	11	18	25	1	8	15	22	29	D		
5	12	19	26	2	9	16	23	30	S		
6	13	20	27	3	10	17	24	31	Ch		
7	14	21	28	4	11	18	25	P			
1	8	15	22	29	5	12	19	26	J		
2	9	16	23	30	6	13	20	27	Sh		
3	10	17	24	31	7	14	21	28	Ya		

SENTABR						OKTABR					
5	12	19	26	3	10	17	24	31	D		
6	13	20	27	4	11	18	25	S			
7	14	21	28	5	12	19	26	Ch			
1	8	15	22	29	6	13	20	27	P		
2	9	16	23	30	7	14	21	28	J		
3	10	17	24	1	8	15	22	29	Sh		
4	11	18	25	2	9	16	23	30	Ya		

NOYABR						DEKABR					
7	14	21	28	5	12	19	26	D			
1	8	15	22	29	6	13	20	27	S		
2	9	16	23	30	7	14	21	28	Ch		
3	10	17	24	1	8	15	22	29	P		
4	11	18	25	2	9	16	23	30	J		
5	12	19	26	3	10	17	24	31	Sh		
6	13	20	27	4	11	18	25	Ya			

Бола:
 - Қорбобо, совангиз учун раҳмат!
 Қорбобо:
 - Арзилайди, болакай.
Бола:
 - Менимча ҳам арзилайди. Фақат онам раҳмат айт, деб мажбурладилар-да.

Стол устидаги ёзув:
 "Адаси, мен навбатчиликка кетдим. Биласиз-ку, дўхтирман, касалхонада ишлайман. Хизматчилик. Янги йилнингиз муборак бўлсин. Эсингизда бўлсин: овқат совуткининг ичида. Яна эсингизда бўлсин: Совутки ошхонада!"

1 январь эрталаб телефон қўнмироқларига беш фоиз киши "Алло?" деб жавоб берди, қолганлар умуман жавоб бера олмади.

Янги йил

Тилаб бизга бахту шодликлар,
 Яна бир йил бизни тарк этди.
 Эски йилга раҳматлар айтиб,
 Хайрлашмоқ фурсати етди.

Хуш қол энди, ўтаётган йил
 Тугашига оз фурсат қолди.
 Бироқ юрак саҳифасида
 Азиз номинг тоабат қолди.

Ошдик қанча қирлардан бирга,
 Енгиб ўтдик қанча тўсиқни.
 Сенинг билан қувончга тўлдик,
 Эгалладик қанча ютуқни.

Пойгакда турибди Янги йил,
 Қувончларга, бахтларга тўлиб.
 Келинг, бирга кутиб олайлик,
 Иқболига чиқайлик кулиб.

Она-Ватан тинчилиги учун,
 Кўксингизни қалқон қилингиз.
 Мард зобитлар, посбон ўғлонлар,
 Қутлуғ бўлсин Янги йилингиз.

Юлдузхон ҲАКИМОВА.

Янги йил табриклари

СИЗГА ҲАМ УЗОҚ УМР ТИЛАЙМАН!



Қамаши туманининг Ўртакуба қишлоғида яшовчи 102 ёшли Зинат момо БОЗОРОВА тилаклари:

- Яратганга минг бора шукр. Яхши кунларда яшаймиш. Тинч-тотувликда умргузаронлик қилаямиш. Аввало, бахтим бор экан, мўмин-қобил кишининг жуфти ҳалоли бўлдим. Катта қизим Бибисора 84 ёшда. Бир этак бола атрофимда парвона. Аллоҳга беадад шукр бўлсинки, 43 нафар неварани, 108 нафар чеварани, 32 нафар эваралиман. Болаларнинг барчаси ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишган.

Ниятим - меҳр-оқибат ҳеч кимни асло тарк этмасин. Одамлар бир-бирини қанчалик қадрлаб, севиб яшаса, Яратганининг ўзи паноҳида асрайверади. Ота-она ҳеч вақт боласини ёмон кўрмайди. Юрак қонидан бунёд бўлган бир парча этнинг бўй-бастига қараб, кунда бир ўсади. Фарзандлар ўз ота-оналари қадрига етишса, оналар худди мендек юздан ошиб яшаб юраверишади.

Фарзандларим эъзозидан эканлигимдан тоабат шод бўлиб яшайман. Ҳаммаларингизга менинг ёшимни берсин.

Суратда: Зинат момо чеваралари билан.

Зафар МАҚСАДОВ олган сурат.

ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
 700029,
 Toshkent,
 Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
 o'rinbosari
 Erkin
SATTOROV
 Mas'ul kotib
 Rahmatilla
BERDIYEV

Navbatchi
 Qobiljon
SHOKIROV
 Sahifalovchi
 Zokir
BOLTAYEV

TELEFONLAR:
 Bosh muharrir
 o'rinbosari 54-37-91.
 Kotibiyat 139-73-88.
 Muxbirlar 59-27-15.
 139-77-23.
 Buxgalter 139-75-37.
 Faks 132-05-51.

E-mail:
 urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
 20210000700447980001,
 MFO 00421.
 «Ipak yo'li» aksiyadorlik
 investitsiyaviy tijorat
 bankining Mirzo
 Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'XYATGA OLINGAN
 Buyurtma J-000863. Hajmi — 4 bosma taboq.
 Bosilish — ofset usulida. 50307 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda, «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart.
 • Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
 • Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
 Yakka tartibda — 180
 Tashkilotlar uchun — 366
 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
 Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
 Bosishga topshirildi — 21.00.
 «O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
 Korxonaning manzili:
 Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.
 (N) — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.